

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУР ЭШОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС
ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ:
ОМИЛЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2017

УЎК:
КБК:
И

Э 35 **Эшов М.П.**

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. Монография. –Т. «Маънавият», 2017. – 80 б.

ISBN 978-9943-04-....-....

Ушбу монографияда иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари, кичик бизнес тараққиётининг макроиқтисодий вазиятга таъсири, замонавий шароитда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожланишининг асосий йўналишларини илмий жиҳатдан асосланган.

Монографиядан илмий ходимлар, тадқиқотчилар, иқтисодий таълим йўналиши талабалари, магистрантлар, ўқитувчилар, шунингдек, юртимизда олиб борилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига қизиқадиган барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

УЎК:
КБК:

М а съ у л м у ҳ а р р и р:

Б.Ю. Ходиев, ТДИУ ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Т а қ р и з ч и л а р:

Б.Б. Беркинов, ТДИУ «Макроиқтисодиёт» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;

А.Н. Самадов, ТДИУ «Маркетинг» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

*Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашида кўриб чиқилган ва чоп этишига тавсия қилинган
(2017 йил 30 сентябрдаги 2-сонли баённома).*

ISBN 978-9943-04-....-....

© «Маънавият», 2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I БОБ.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛANIШИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва мезонлари
- 1.2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни
- 1.3. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон тажрибаси

II БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛANIШИНинг ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

- 2.1. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг ташкилий-хукуқий асослари
- 2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари
- 2.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг минтақавий жиҳатлари

III БОБ.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

- 3.1. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг институционал муаммолари
- 3.2. Иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ривожланишини прогноз қилиш шарт-шароитлари ва вариантлари
- 3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми ва рағбатлантириш йўллари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш натижасида амалга оширалаётган иқтисодий ислоҳотлар бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Бу, энг аввало, кўп укладли иқтисодиёт ва мулқдорлар синфи шаклланганлигида, макроиктисодий барқарорликнинг таъминланганлигида ва шу асосда барқарор иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам замин тайёрланганлигида, хусусий тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ривожланиши учун қулай ижтимоий-иктисодий муҳит яратилганлигида ўз аксини топади.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жамият ҳаётидаги ўрни анча мустаҳкамланди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий сони 226,0 мингга, ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 56,9 фоизга, иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши 78,2 фоизга етди.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш, уларни моддий хомашё ресурслари билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжуд. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг истеъмол бозорини тўлдириш, мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш, ахоли реал даромадларини шакллантиришдаги роли паст даражада сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз учун устувор ҳисобланган ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал этишдаги иштироки да-

КИРИШ

ражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Республикализ Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бизнинг яна бир мухим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат»¹.

Бу эса, иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг устувор йўналишларини асослашни, мазкур соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши янада изчил давом эттиришни тақозо этади.



¹ Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // «Халқ сўзи», 15 декабрь 2016 йил.

I БОБ.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛANIШИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва мезонлари

Жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнлари кучайиб, ишлаб чикаришнинг байналмилаллашуви чуқурлашиб бораётган бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт ривожланишида, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Шу муносабат билан илмий ва иқтисодий адабиётларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, мезонлари, уни давлат томонидан қўллаб-куvvatлаш механизми, молиялаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш уни назарий жиҳатдан асослашдан бошланади. Амалиёт эса унга тегишли ўзгартиришлар ва тузатишлар киритади. Шу нуткаи назардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши муаммосини тадқиқ этаётганда, аввало, унинг моҳияти, сифат ва микдорий мезонларини ўрганиш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инглиз тилидаги адабиётларда «small business», «private entrepreneurship» деб юритилади.

Собиқ Иттифок давридаги иқтисодий адабиётларда «номонополистик сектор» ёки «номонополистик корхоналар» каби

атамалар ҳажми жиҳатидан кичик, ишловчилар сони кам корхоналарга нисбатан қўлланилган.

Фикримизча, «Кичик тадбиркорлик», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» ва «Кичик корхоналар» каби атамалардан маънодош тушунчалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Хўш, қандай корхоналар кичик бизнес субъектлари деб юритилади?

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бағишлиланган хорижий ва мамлакатимиизда нашр этилган адабиётлар билан танишиш натижалари шундан далолат берадики, иқтисодчилар орасида унга нисбатан ягона фикр мавжуд эмас. Гарчи кўплаб мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарнинг расмий таърифлари қабул қилинган бўлса-да, уларнинг ўзаро тафовутда эканлиги, бир-биридан фарқ қилиши кузатилади.

Масалан, америкалик иқтисодчи Стейли фикрича, куйида келтирилган белгиларнинг камида иккитасига эга бўлган корхоналар кичик корхоналар деб юритилади:

- ➔ корхонанинг эгаси томонидан шахсан бошқарилиши ва нисбатан кам ихтисослашганлиги;
- ➔ бошқаришнинг олий органлари ва ишловчилар, мижозлар ҳамда мол етказиб берувчилар ўртасида бевосита шахсий муносабатлар ўрнатилганлиги;
- ➔ капитал бозорларига киришнинг ва қисқа муддатли кредитлар олишнинг мураккаблиги;
- ➔ олди-сотди тўғрисида битим тузиш учун кучли мавқенинг мавжуд эмаслиги;
- ➔ корхонанинг нисбатан яқин жойлашган бозорлар ва таъминот манбаларига кучли боғлиқлиги.¹

Фикримизча, юқоридаги белгиларнинг дастлабки иккитаси кичик корхоналарга хос бўлса-да, қолганларини ҳам кичик,

¹ Рамзес В.Б. Мелкие и средние предприятия в послевоенной Японии. –М.: «Наука», 1965. – С. 33.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ҳам ўрта корхоналарга нисбатан қўллаш мумкин. Инглиз иқтисодчиси Ф. Кларк кичик бизнесга бағишлаган китобида қуидагича таъкидлайди: «Шуни тан олиш лозимки, кичик тадбиркорликнинг моҳияти нафақат максимал фойда олишда, балки эркинлик, ишнинг ижодий характерда эканлиги, ўзига хос мустақил турмуш тарзи каби номоддий эҳтиёжларни қондиришда ҳам ўз аксини топади. Буни эса ҳеч қачон фойда ва зарар рақамларида ифодалаб бўлмайди»¹.

Албатта, ўз ишини бошлиётган тадбиркор учун номоддий эҳтиёжларни қондириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, тадбиркор фаолиятини ҳаракатга келтирувчи бирламчи омил фойда миқдорини максималлаштиришdir.

Француз иқтисодчилари Ж. Шатен ва Р. Гордон корхоналарнинг сифат кўрсаткичларига асосий эътиборни қаратган ҳолда уларнинг қуидаги таснифини келтиради:

1) Ҳунармандлар ва кичик хўжаликлар. Улар асосий даромадларини бевосита ишлаб чиқариш функциясидан оладилар. Корхона эгаси ишлаб чиқариш жараёнига бевосита қатнашади ва юкори даражали малакага эга бўлади.

2) Кичик корхоналар. Мазкур корхоналар чекланган миқдорда ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналардир. Бу корхоналарнинг даромадлари унинг эгасини яшashi учун асосий манба ҳисобланади ва бу ерда оддий такрор ишлаб чиқариш жараёни амалга оширилади.

3) Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширувчи кичик ва ўрта корхоналар. Бу корхоналар бир неча ўнлаб, ҳатто юзлаб ёлланма ишчи кучига эга бўлиб, талаб ва таклиф ўзгаришларига, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий қарорлар оқибатларига таъсирчан бўладилар.

¹ Рубе В.А. Сотрудничество или эксплуатация? Мелкие бизнес глазами буржуазных экономистов. –М.: «Мысль», 1986. – С. 34.

4) Ўрта ва йирик монополистик корхоналар. Уларнинг иқтисодиётда тутган мавқеи у ёки бу тармоқнинг монополлашганлик даражасига боғлиқ бўлади.¹

Корхоналарни бундай таснифлаштириш ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида турли корхоналарнинг ҳолати ва мавқеи тўғрисида умумий тасаввур беради, бироқ унда кичик, ўрта ва йирик корхоналарни бир-биридан ажратиб турувчи белгилар аниқ ва равshan кўрсатилмаган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сифат мезонлари собиқ Иттифоқ иқтисодчилари томонидан ҳам тадқиқ этилган. Хусусан, Ю. Кочеврин фикрича, кичик ва ўрта ишлаб чиқаришнинг бекарорлиги унинг асосий сифат мезони ҳисобланади: «Кичик ва ўрта ишлаб чиқаришнинг асосий хусусияти унинг бекарорлигидир. Бу бекарорлик айниқса, капитализмнинг монополистик босқичида кучаяди»².

Кўриниб турибдики, бу таъриф ўша пайтдаги социалистик мамлакатлар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда бери-лан. Гап шундаки, социализмда кичик ва ўрта тадбиркорлик нафақат тан олинмаган, балки қонун билан тақиқланган. Шу муносабат билан муаллиф унинг бекарорлигига алоҳида урғу беради.

Ўз фикрини исботлаш учун Ю. Кочеврин АҚШнинг 1950-1960 йиллардаги статистик кўрсаткичларидан фойдаланади. Ўша пайтда АҚШда тахминан 350 минг корхона, яъни барча корхоналарнинг 8-9 фоизи ўз фаолиятини тўхтатган. Шундан келиб чиқиб, у қуйидагича хulosса қиласди: «Замонавий капитализмда кичик ва ўрта ишлаб чиқаришнинг асосий ижтимоий-иқтисодий мезони бекарорлик экан айнан шу мезон билан ва шу мезондан келиб чиқсан ҳолда кичик ва ўрта корхоналарни

¹ Chtain J., Gaudon R. Petites et moyennes entreprises: L'genre du choix. Paris, 1975. – p.43.

² Кочеврин Ю. Малый бизнес в США. –М.: «Мысль», 1965. – С.13.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

йирик корхоналардан ажратувчи иқтисодий кўрсаткичларни белгилаш зарур»¹.

Бу ерда, икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим: биринчидан, корхоналарнинг банкротликка учраши ва ўз фаолиятини тугатиши йирик корхоналарга ҳам хос. Осиёда XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида юз берган молиявий инқизорз натижасида кўплаб йирик корхоналарнинг ўз фаолиятини тўхтатганлари фикримиз далилидир. Иккинчидан, кичик корхоналарнинг бекарорлигига диалектик ёндашиш лозим, яъни кичик корхоналарнинг тугатилиши ва пайдо бўлиши нуқтаи назардан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Агар 1950–1960 йилларда 350 минг корхона тугатилган бўлса, 400 минга яқин корхона ташкил топган.

Фикримизча, корхоналарни таснифлаштиришда асосий сифат мезонлари корхона эгасининг меҳнат ва корхонани бошқаришга муносабати, унинг қўйл остидаги ишчилар билан алоқаси даражаси ҳисобланади. Кичик ёки микро корхоналарда корхона эгаси ҳам мулкдор, ҳам бошқарувчи, ҳам ишчи ҳисобланади. Кичик корхоналарда корхона эгаси бошқарувни ўзи шахсан амалга оширади ва ўз ишчилари билан бевосита алоқада бўлади. Ўрта корхоналарда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ёлланма ишчилар мавжуд бўлади ва корхона эгаси умумий бошқарувни амалга оширас экан айнан шулар билан алоқада бўлади. Йирик корхоналарда корхона эгаси корхонани бошқаришдан ажратилган бўлиб, ўз кўли остида ишловчилар билан бевосита алоқада бўлмайди.

Кичик ва ўрта корхоналар мақомини белгилашда уларнинг миқдорий мезонлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада ҳам иқтисодчи-олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Мамлакатлар қонунчилигига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг миқдорий мезонлари турлича белгиланган.

Одатда кичик ва ўрта корхоналар мақомини белгилаб берувчи миқдорий мезонлар сифатида корхонада банд бўлган

¹ Кочеврин Ю. Малый бизнес в США. –М.: «Мысль», 1965. – С.15.

ищилар сони, товар айланмаси, активлар, капиталлар ва фойда миқдори ва бошқа статистик күрсаткичлардан фойдаланилади. Бироқ, хорижий ва мамлакатимиз иқтисодий адабиётларида кўп ҳолларда битта кўрсаткичдан – корхонада банд бўлган ишчи-лар сонидан келиб чиқиб, кичик ва ўрта корхоналар тўғрисида фикр юритилади. Албатта, кичик ва ўрта корхоналарнинг ягона миқдорий мезон асосида аниқлаш қулай ва у турли мамлакат-ларда кичик ва ўрта корхоналар ривожланишини таққослама таҳлил қилиш имконини беради. Аммо, мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, тармоқлар ва фаолият соҳаларининг турли хилдалиги ягона миқдорий мезондан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Масалан, АҚШда кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият агар корхона ўз соҳасида монопол мавқега эга бўлмаса ва бў-линмалардаги ишчи-лар билан биргаликда ишчи-лар сони 500 кишидан ошмаса уни кичик корхона ҳисобланишини белгилаб кўйган. Бироқ, бу масаланинг фақат умумий томони, холос. Бундан ташқари Маъмурият кичик корхоналарнинг тармоқлар бўйича таснифини ҳам ишлаб чиқкан. Чунончи, қайта ишлов-чи саноатда кичик корхоналар жумласига ишчи-лар сони 250 кишигача бўлган корхоналар киритилган бўлса, ишчи-лар сони 1000 кишидан кўп бўлган корхоналар йирик корхоналар ҳисобланади. 250 ва 1000 киши оралиғидаги корхоналар ўёки бу қуий тармоқнинг хусусиятларига кўра кичик ёки йирик корхоналар жумласига киритилади.

Масалан, юқоридаги Маъмурият таснифига кўра, машина-созликда 41 та қуий тармоқ мавжуд бўлиб, уларнинг 18 та қуий тармоғида 250 кишигача, 12 қуий тармоғида 500 кишигача, 11 қуий тармоғида 1000 кишигача ишчи-лар банд бўлса кичик корхона ҳисобланади.¹

¹ Ичтовкин Б.Н. Малые формы хозяйствования. – М.: «Экономика», 2006. – с. 11.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кўйидаги жадвалда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миқдорий мезонлари келтирилган (1.1.1- жадвал).

1.1.1-жадвал

АҚШда кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият томонидан ишлаб чиқилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миқдорий мезонлари

| Ишлаб чиқарувчилар | Ишчилар сони, киши |
|-------------------------------------|--|
| Нефтни қайта ишлаш | 1500 гача |
| ЭҲМ | 1000 гача |
| Макарон ва спагеттилар | 500 гача |
| Улгуржи савдо билан шуғулланувчилар | Ишчилар сони, киши |
| Спорт маҳсулотлари | 500 гача |
| Мебель | 500 гача |
| Лак-бўёқ буюмлари | 500 гача |
| Чакана савдо билан шуғулланувчилар | Товар айланмаси, 1 йилда млн.долл. |
| Бақоллик магазинлари | 13,5 гача |
| Автомабиллар агентлиги | 11,5 гача |
| Ресторанлар | 10,0 гача |
| Хизмат кўрсатиш | Товар айланмаси, 1 йилда млн. долл. |
| ЭҲМ хизмати | 12,5 гача |
| Бухгалтерия хизматлари | 4,0 гача |
| Телевизорларни таъмирлаш | 3,5 гача |

Ма н б а: <http://www.doingbusiness.org>

Жадвал маълумотларига кўра, нефтни қайта ишловчилар, ЭҲМ, макарон ва спагетти ишлаб чиқарувчилар, улгуржи савдо билан шуғулланувчилар учун асосий миқдорий мезон ишчилар сони бўлса, чакана савдо билан шуғулланувчилар, хизмат кўрсатиш соҳалари учун товар айланмаси ҳисобланади.

Францияда кичик ва ўрта тадбиркорлар умумий Конфедерацияси кичик ва ўрта корхоналарга қўйидагича таъриф бера-

ди: «Корхона эгаси капиталнинг катта қисмига эга бўлган, ўз ходимларини шахсан назорат қиласидиган ва улар билан доимий бевосита алоқада бўладиган корхоналар кичик ва ўрта корхоналар деб юритилади»¹.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг микдорий мезонлари қуидагилардан иборат: 10 кишидан 50 кишигача ёлланма ишчига эга бўлган корхоналар кичик, 50 дан 500 гача ўрта ва 500 дан ортиқ ишчига эга бўлган корхоналар йирик корхоналар. Германияда ҳам кичик ва ўрта корхоналарнинг микдорий мезонлари Франциядаги сингари белгиланган.

Францияда бошқа бир қатор Европа мамлакатлари (Германия, Италия ва бошқалар) каби хунарманд мақоми мавжуд. Одатда ишчилар сони 10 кишигача бўлган корхоналар хунарманд мақомига эга бўладилар. АҚШда бундай тушунча мавжуд эмас. Бундай корхоналар у ерда кичик корхонлар деб юритилади.

Француз хунарманди ўз ҳисобидан корхона ташкил этувчи, касбий малакага эга бўлган, ўз корхонасини шахсан бошқарувчи ва унинг ишида бевосита қатнашувчи кишидир. Хунарманд ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланиши мумкин, бироқ уларнинг умумий сони оила аъзоларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 10 кишидан ошмаслиги лозим. Хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда корхона эгаси айни вақтда ишчи вазифасини ҳам бажаради. Бошқача қилиб айтганда, хунармандчиликда мулкнинг меҳнатдан ажралиши юз бермаган бўлади.

Японияда кичик ва ўрта корхоналар иккита мезон бўйича аниқланади: корхонанинг устав капитали микдори ва унда банд бўлган ишчилар сони. Уларнинг микдорий ҳажмлари тармоқлар хусусиятидан келиб чиқиб бир-биридан фарқ қиласиди.

¹ Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: ТЕИС, 2000. – с. 31.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Японияда кичик ва ўрта корхоналардан ташқари парцелляр (митти) корхоналар тушунчаси ҳам мавжуд. Қайта ишлаш ва тоғ-кон саноатида ишчилар сони 20 кишидан, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 5 кишидан ошмаса, бундай корхоналар парцелляр корхоналар деб юритилади.

МДҲ мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналарнинг миқдорий мезони сифатида ягона кўрсаткичдан – корхонада банд бўлган ишчилар сонидан фойдаланилади.

Россияда кичик ва ўрта бизнеснинг миқдорий мезонлари қуидагича: саноат, қурилиш ва транспортда банд бўлган ишчилар сони 100 кишигача, фан-техника соҳасида – 60 кишигача, савдода – 50 кишигача, чакана ва майший хизмат соҳасида – 30 кишигача, бошқа тармоқлар ва фаолият соҳаларида – 50 кишигача.¹

1.1.2-жадвал

Японияда кичик ва ўрта корхоналарнинг миқдорий мезонлари

| Тармоқлар | Устав капитали, млн. иена | Банд бўлган ишчи- лар сони, киши |
|--|------------------------------|-------------------------------------|
| Қайта ишлаш ва тоғ-кон саноати | 100 гача | 300 гача |
| Улгуржи савдо | 30 гача | 100 гача |
| Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси | 10 гача | 50 гача |

Ма н б а: <http://www.doingbusiness.org>

Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезони ишчилар сони ҳисобланади.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фақат битта мезон бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг сабаби шундан иборатки, йириқ, аммо тўлиқ автоматлаштирилган саноат корхонаси кўп ишчи кучини талаб қилмайди. Айни вақтда, масалан, алкогол ичимликлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишчилар сонига нисбатан товар айланмаси муҳимроқ кўрсаткич ҳисобланади.

¹ Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: ТЕИС, 2000. – с. 42.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ягона мезон асосида аниқлаш бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга акс таъсир кўрсатади (1.1.3-жадвал).

1.1.3-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари

| Кичик тадбиркорлик субъектлари | Тармоқлар | Иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони |
|--------------------------------|---|--|
| Микрофирмалар | Ишлаб чиқариш тармоқларида | Кўпли билан – 20 киши |
| | Хизмат кўрсатиш соҳасида ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларда | Кўпли билан – 10 киши |
| | Улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида | Кўпли билан - 5 киши |
| Кичик корхоналар | Енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати, курилиш материаллари саноати шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида | Кўпли билан – 100 киши |
| | Қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноатида | Кўпли билан – 200 киши |
| | Машинасозлик, металлургия, ёқилиги-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўяжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, курилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида | Кўпли билан – 50 киши |
| | Фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларда | Кўпли билан – 25 киши |

Маёнба: «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

Бундай шароитда кўплаб корхоналар ишловчилар сонини камайтириб кўрсатишдан манфаатдор бўладилар, чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қонунчилик доирасида кўплаб имтиёзлар жорий қилинган бўлиб, ишчилар сонини тўлиқ кўрсатиш уларни бу имтиёз ва енгилликлардан маҳрум қилиб қўйиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг бир нечта мезонларидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аниқлаш иккита миқдорий мезон асосида амалга оширилиши лозим: корхонада банд бўлган ишчилар сони ва корхонанинг йиллик товар айланмаси. Бу эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий моҳиятига мос тушади.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сифат мезонлари тариқасида корхона эгасининг меҳнат ва корхонани бошқаришга муносабати ҳамда ишловчилар билан алоқаси даражасидан, миқдорий мезонлар сифатида корхонада банд бўлган ишчилар сони ва йиллик товар айланмасидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

1.2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни

Жаҳон хўжалик тизими тараққиёти тарихи шундан далолат берадики, эркин рақобат хукм сурган XX асрнинг бошларига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатлар иқтисодий ривожланишида марказий ўринга эга бўлди. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, ўша даврда бир-биридан алоҳида бўлган кўплаб хусусий корхоналар жамиятда яратиладиган товар ва хизматларнинг катта қисмини ишлаб чиқарар эди. Бу корхоналарнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари бозор орқали амалга ошиб, нарх талаб ва таклиф мутаносиблигига кўра шаклланар, ҳеч бир ишлаб чиқарувчи бозорга ўз таъсирини ўтказа олмасди.

Бирок рақобат курашининг кескинлашуви натижасида ишлаб чиқариш харажатларининг паст бўлишига эришган корхоналар ўз яшовчанлигини сақлаб қолиб, ишлаб чиқариш харажатлари юқори бўлган корхоналар банкротликка учрай бошлади. Бунинг оқибатида бир гурух корхоналар ўз фойдаларининг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаб, йирик корхоналарнинг вужудга келишига замин тайёрладилар. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг табақалашуви ва ишлаб чиқаришнинг марказлашувига турли иқтисодий инқирозлар ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Йирик корхоналар иқтисодий инқирозларга бардош бериш мақсадида картель, трест ва синдикатларга бирлаша бошладилар.

Ишлаб чиқариш кучлари ривожланишида юз берган йирик ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ва капиталнинг марказлашувида муҳим аҳамият касб этди. Янги турдаги машиналар ишлаб чиқариш, энергетика, технологияда юз берган сифат ўзгаришлари йирик ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириди.

Буларнинг барчаси кичик бизнеснинг аҳамияти пасайишига олиб келди. Йирик корхоналарнинг афзаллеклари, энг аввало, уларнинг техника билан таъминланишида ўз аксини топди.

ХХ асрнинг бошларига қадар йирик корхоналарнинг устун даражада ривожланиши қуйидаги шарт-шароитлар билан изоҳланади:

- ўша вақтдаги техникаларнинг йирик ҳажмда эканлиги ишлаб чиқаришни йирик кўламда ташкил этишни тақозо этар эди, уларга бўлган нархларнинг юқорилиги эса, кичик корхоналар томонидан техникаларни сотиб олиш имкониятини чеклаб қўйди;
- юқори нархли қиммат техника фақат оммавий ишлаб чиқариш шароитида ўзини ўзи оқлар эди. Шу билан бирга, миқёс ҳисобига тежаш маҳсулот таннархининг

- арzonлашувига олиб келди. Натижада бундай имкониятга эга бўлмаган кичик корхоналар рақобат курашида тенг бўлмаган шароитга тушиб қолдилар;
- ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги туфайли юқори малакали мутахассислар ҳам йирик корхоналарда тўпланиб бордилар;
 - XX аср бошларида йирик корхоналар янгиликлар ва илғор технологияларни асосий яратувчилари эдилар. Бу эса нафақат юқори харажат, балки катта миқдордаги фойдани ҳам англатар эди.

Йирик корхоналарнинг иқтисодиётдаги мавқеи иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада мустаҳкамланди. Урушдан сўнг Фарбий Европа мамлакатлари ва Японияда ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ҳамда трансмиллий корпорацияларнинг ташкил топиши янада жадаллашди. Бунинг энг асосий сабаби мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашга интилишлари эди. Бу жараён XX аср 70-йилларининг ўрталарига қадар давом этди. Шундан сўнг йирик ва кичик ишлаб чиқариш ривожланишида акс тенденция юз бера бошлади ва кичик корхоналар иқтисодиётдаги мавқеларини аста-секин тиклай бошладилар.

Маълумки, 1973–1975 йилларда жаҳон иқтисодиётида кучли инқироз юз бериб, у энергетика ва хомашё инқирозлари билан бирга борди. Кузатишларга кўра, бу инқирозни кичик ва ўрта корхоналар нисбатан камроқ йўқотишлар билан ўтказдилар, чунки улар бозор конъюнктураси ўзгаришларига тезроқ мослаша олган эдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яшовчанлигини XX аср сўнгидаги Осиёда бошланиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олган молиявий инқироз натижалари ҳам яққол исботлади. Кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётда нисбатан устун ўринга эга бўлган мамлакатлар (Малайзия) инқироздан энг кам зарар билан чиқсан бўлсалар, йирик корхоналарга устуворлик берган мамлакатлар (Жанубий Корея) энг кўп зарар кўрдилар.

Хўш, бундай ҳолат юз беришининг асосий сабаблари нимада? Нима учун XX асрнинг сўнгти чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари юқори суръатларда ривожлана бордилар ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айландилар?

Фикримизча, кичик ва ўрта корхоналарнинг глобаллашув ва ҳалқаро интеграция жараёнларининг кучайиши шароитида мавқеининг мустаҳкамланиб бориши қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

Биринчидан, иқтисодиёт ривожланишининг янги босқичида истеъмолчилар корхонанинг ҳажми билан белгиланувчи миқдорий кўрсаткичларга нисбатан маҳсулот, хизмат, янгилик билан тавсифланувчи сифат кўрсаткичларини афзал била бошлидилар. Бундай шароитда қатъий таркибга эга бўлган йирик корхоналарга нисбатан бозор муҳитига тез мослашувчан кичик корхоналар истеъмолчилар эҳтиёжларига мос товарларни кўпроқ ишлаб чиқарадилар.

Иккинчидан, фан-техника тараққиётининг янги босқичи ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини кенгайтириш, кўплаб тармоқларда корхоналарнинг оқилона ҳажмини кичрайтириш, турли хилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этиб, таклифнинг индивидуаллашувини таъминлаш билан бирга кичик корхоналарни уларнинг ҳажмига мувофиқ келувчи техника билан таъминлади. Микропроцессорлар, мини ускуналар, мини ЭҲМлар ва бошқалар ана шундай техникалар жумласидандир. Бугунги кунда доимо йирик ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган металлургияда ҳам йирик корхоналар билан бемалол рақобатлаша олувчи мини заводлар вужудга келди.

Ва, ниҳоят, учинчидан, истеъмолчининг психологияси ўзгарди. У бугунги кунда стандарт маҳсулотлар сотиб олишни, бир хил кийим кийишни, бир хил машинада юришни истамайди, яъни талабнинг табақалашуви (дифференциацияси) ва истеъмолнинг индивидуаллашуви кучайди.

Хозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик корхоналарнинг рақобатчиси ва ҳамкори, йирик ишлаб чиқариш ва бутун иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдағи ўрни ва роли қандай кўрсаткичларда ифодаланади? Унинг иқтисодиётда тутган ўрнига баҳо беришда, энг аввало, иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий кўрсаткичларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Бундай кўрсаткичлар жумласига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот, жами иш билан банд бўлганлар, капитал қўйилмалар, экспорт ва бошқалардаги улушкини киритиш мумкин. Шу билан бирга мамлакатдаги кичик ва ўрта корхоналарнинг умумий сони ва ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик ва ўрта корхоналар сони ҳам мазкур секторнинг ривожланганлик даражаси тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда бажарадиган вазифаларини таҳлил қилиш муҳим ўринга эга бўлиб, у юқоридаги миқдорий кўрсаткичлар билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли тўғрисида батафсил маълумот беради.

Куйидаги жадвалда дунёнинг турли мамлакатлари иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50–67 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 50–52 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63–67 фоизни, Японияда 52–55 фоизни ташкил этади. МДҲ мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси ривожланган мамлакатларга нисбатан анча паст бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бандлик муаммосини ҳал этишда мухим аҳамият касб этади. Бу ерда кичик бизнеснинг классик мамлакатлари хисобланган Япония (78 фоиз) ва Италия (71 фоиз) энг юқори кўрсаткичларга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жами бандлар сонидаги улуши бўйича Ўзбекистон (78,2 фоиз) анча юқори кўрсаткичга эга бўлса, Россияда мазкур кўрсаткич атиги 25,6 фоизга тенг, холос.

Жадвалдан яна шуни кўриш мумкинки, барча ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг умумий сони жуда катта бўлиб, улар жами корхоналарнинг 95-99 фоизини ташкил этади. Бироқ фақат кичик ва ўрта корхоналарининг умумий сонидан келиб чиқиб фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмас.

1.2.1-жадвал

Дунёнинг баъзи мамлакатлари иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни

| Мамлакатлар | Кичик бизнес субъектлари сони (минг) | 1000 кишига тўғ- ри келадиган кичик бизнес сони | Кичик бизнесда бандларнинг умумий бандлик- даги улуши (%) | Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушি (%) |
|---------------|---|--|--|---|
| Буюк Британия | 2930 | 46 | 56 | 50-53 |
| Германия | 2290 | 37 | 69,5 | 50-54 |
| Италия | 3920 | 68 | 71 | 57-60 |
| Франция | 1980 | 35 | 54 | 55-62 |
| АҚШ | 19300 | 74 | 54 | 50-52 |
| Япония | 6450 | 50 | 78 | 52-55 |

Ма н б а: Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011.

Агар ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бўйича мулоҳаза юритадиган бўлсақ, у холда бу кўрсаткич бўйича АҚШнинг (74 корхона) етакчи ўринда эканлигининг гувоҳи бўламиз. АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жами корхо-

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

наларнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу корхоналарнинг асосий қисми жуда кичик, кичик корхоналар бўлиб, оила меҳнатига асосланади. Жами кичик корхоналарнинг 80 фоизида иш билан банд бўлганларнинг сони 10 кишидан ошмайди.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича кейинги ўринларни Италия (68 корхона) ва Япония (49,6 корхона) эгаллади. Германияда ҳар минг киши ҳисобига тўғри келадиган кичик ва ўрта корхоналар сонининг камлиги (37 корхона) Шарқий ва Фарбий Германиянинг бирлашиши билан боғлик. Маълумки, Шарқий Германияда иккинчи жаҳон урушидан сўнг кичик бизнес деярли ривожланмади. Ҳозирги кунда Германия ерларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантариш бўйича ҳукumat томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда муҳим ижтимоий-иктисодий вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири шундан иборатки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдорлар синфи иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир»¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим вазифаси истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитида кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришини амалга оширишидир. Бугунги кунда кичик бизнес кенг ривожланмаган замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. У, бир томондан, қандайдир даражада йирик корхоналар билан

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 197-б.

ракобатда бўлади. Ва шу нуқтаи назардан иқтисодиётнинг бозор конъюнктураси ўзгаришларига, мода ва истеъмолчилар дидининг тез-тез алмашиб туришига, иқтисодиётни таркибий жиҳатидан қайта қуришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, кичик ва ўрта корхоналарнинг катта қисми йирик бизнес билан ҳамкорлик қилади, уларни тўлдиради ва мустаҳкамлайди, уларга хос бўлган техник консерватизмни бартараф этишга кўмаклашади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши бозорни истеъмол то-варлари ва хизматлари билан тўлдиришга, тармоқ ва худудий монополизмга барҳам беришга ракобат муҳитининг вужудга келиши ва кенгайишига, илмий-техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, экспорт салоҳиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнеснинг яна бир муҳим хусусияти нисбатан кам сарф-харажатлар эвазига янги иш ўринларини яратиши ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишга хисса қўшиши ҳисобланади. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турли ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни са-марадорлик даражаси юқори бўлган соҳаларга йўналтиришга, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги иқтисодий муно-сабатларни такомиллаштиришга ўз хиссасини қўшади.

Кичик бизнеснинг яна бир муҳим ижтимоий вазифаси шун-дан иборатки, у ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари – аёллар, ногиронлар, пенсионерлар ва бошқаларни ҳам иш билан таъминлайди ҳамда уларнинг меҳнатидан кенг фойдалана-ниди. Ёш мутахассисларни ишлаб чиқариш тажрибаси билан таъминлайди.

Кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиётда тутган ўрни ва роли унинг қўйидаги афзалликларида янада яққолроқ намоён бўлади:

- ❖ кичик ишлаб чиқариш бозор талаби ўзгаришларига тезда мослашади. Йирик корхоналарда янги маҳсулот ишлаб

чиқаришга ўтиш ёки янги технологияни жорий этиш йирик сарф-харажатларни талаб қиласди ва бу жараёнда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва даромадларнинг камайиши юз беради. Кичик корхоналар эса ўз ишлаб чиқаришларини осонлик билан, йирик сарф-харажатларсиз янги маҳсулот томон буришлари мумкин;

- ❖ кичик бизнес кишиларда ишбилиармонлик, ижодкорлик, ташаббускорлик қобилиятларининг ривожланишига олиб келади, ҳар бир кишига ўз қобилиятларини намоён этиш, гояларини хаётга татбиқ этиш имконини беради. Йирик корхоналарда эса «тенглик» тамойили амал қиласди. Кўп ҳолларда ташаббускор кишилар йирик корхоналарда ишлар экан ўз ташаббуслари ва харакатларига муносиб жавоб топа олмайдилар;
- ❖ кенг тармоқли кичик корхоналар тизимининг ривожланиши маҳаллий ресурслардан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Йирик корхоналарнинг бундай фаолиятдан оладиган фойдаси кам бўлганлиги туфайли бунга алоҳида эътибор қаратмайдилар;
- ❖ кичик корхоналарда талабнома харажатлар ва бошқарув аппаратига сарфланадиган харажатлар йирик корхоналарга нисбатан анча кам;
- ❖ кичик бизнесни капитал сиғими йирик корхоналарга нисбатан анча паст ва ўзини-ўзи қоплаш муддати анча тез;
- ❖ кичик тадбиркорликнинг ривожланиши меҳнатни интенсивлаштириш учун қулай шароит барпо этади, унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасидаги бевосита боғлиқлик яққол кўриниб туради ва хоказо.

Кичик бизнес юқоридаги афзалликлари билан бирга айрим заиф жиҳатларига эга. Бу заиф жиҳатларни аниқлаш ва ҳисобга олиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролига реал баҳо бериш имконини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг бекарорлигидир. Бу эса уларни молиялаштириш муаммоси кескинлашувига олиб келади. Гап шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишда таваккалчилик даражаси анча юқори. Бундан ташқари уларнинг диверсификациялашганлик даражаси анча паст ва саноқли бозорларда фаолият юритади ҳамда мижозларнинг сони чекланган. Шу сабабли уларнинг банклардан кредит, айниқса, узок муддатли кредит олишлари анча мураккаб.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий ўзгаришларга сезувчанлиги жуда юқори. Шу сабабли бозор конъюнктурасидаги кичик ўзгаришлар ҳам улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кичик бизнеснинг яна бир заиф жиҳати шундан иборатки, унда тадбиркорнинг иқтисодий ва мулкий жавобгарлик даражаси жуда юқори. Кўп ҳолларда ноўрин қабул қилинган ёки назорат қилиб бўлмайдиган омиллар (иқтисодий инқизор, корхонанинг нокулай жойлашиши ва бошқалар) инқизорзга олиб келиши мумкин ва бунинг учун асосий молиявий масъулият тадбиркор зиммасида бўлади.

Кичик бизнес корхоналарининг бекарорлиги ва унда молиявий маблағларнинг этишмаслиги ишлаб чиқаришнинг бошқаришга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш имкониятини чеклайди, чунки у юқори малакали мутахассисларни доимий равишда муносиб иш ҳақи билан таъминлаш имкониятига эга эмас.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнига баҳо беришда унинг афзаликлари ва салбий жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Унинг аҳамиятини сунъий равишда бўрттириб, йирик бизнеснинг аҳамиятини пасайтириб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Фикримизча, кичик ва йирик бизнесни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш муаммони самарали ҳал этишга олиб келади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, кичик бизнес алоҳида ривожланмайди. Унинг ривожланишига турли омиллар таъсир кўрсашиб, кичик бизнес уларни хисобга олишга мажбур. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес ривожланишининг умумий ва ўзига хос шарт-шароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Умумий шарт-шароитлар, энг аввало ташки муҳитнинг унга кўрсатадиган таъсирига боғлиқ. Булар жумласига иқтисодиётнинг умумий ҳолати, бозор конъюнктураси, ижтимоий муҳит, тегишли инфратузилманинг мавжудлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бироқ бу шароитлар ҳар бир мамлакатда турли даражада мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Шу сабабли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига баҳо беришда мажмууний ёндашиш мақсадга мувофиқ.

1.3. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон тажрибаси

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқти-
содиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг самарали
фаолият юритишига ижобий таъсир кўрсатади. Кичик бизнес-
нинг ривожланиши кўп жиҳатдан давлатнинг мазкур секторни
тартибга солиш бўйича олиб борадиган сиёсатига боғлиқ.
Жаҳон тажрибаси, ривожланган мамлакатларда кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этиши учун қулай
макроиқтисодий муҳит яратилиши билан бирга унга давлат
томонидан турли хил ёрдамлар кўрсатишдан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма хил
бўлса-да, улар бир-бирларидан ушбу жараённи амалга ошириш
механизми, усул ва воситалари жиҳатидан фарқ қиласди. Мазкур
тажрибани ўрганиш, унинг ижобий томонларидан мамлакатимиз-
нинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда самарали

фойдаланиш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни икки йўналишда кўриб чиқиши мумкин:

- тадбиркорлик, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун умумий шарт-шароитларни барпо этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини хўжалик шароитларига мослашишни таъминлаш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар тақдим этиш.

Бу иккала йўналиш ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи йўналиш барча корхоналар учун иқтисодий эркинликни кафолатловчи, истеъмолчилар манфаатларини ҳимояловчи ва рақобатни рағбатлантирувчи қонунчилик тизимини ўз ичига олади. Умумий шароитларни барпо этишда давлатнинг солиқ ва бюджет сиёсати муҳим роль ўйнайди.

Икkinchi йўналишда давлатнинг кичик бизнесга нисбатан олиб бораётган молия ва кредит сиёсати, давлат бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун муайян улушни таъминлаш механизми, уларга кўмаклашишнинг бошқа турлари асосий ўринга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қулай ҳуқукий муҳитни барпо этиш ривожланган мамлакатларда, энг аввало, антимонопол қонунларни ўз ичига олади. Чунончи, АҚШ нафақат йирик трестларнинг, балки антитрест қонунчилигининг ҳам ватани ҳисобланади. Дастребатки, трестларга қарши қонун АҚШда 1890 йилда ёқ қабул қилинган бўлиб, Шерман қонуни номи билан машхур. Унинг асосий фояси савдони монополлаштириш, савдони чеклаш бўйича очик ва сирли битимларни ноконуний ҳаракат сифатида тавсифлашдан

иборат. Шерман қонунининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундан иборат эдикни, монополиялар барпо этиш ва эркин савдони чеклашга олиб келувчи корпорация ва фирмаларнинг нархни чекловчи сиёсатини, ўзаро рақобатчи корхоналар акцияларини сотиб олишни тақиқлар эди.

Кейинги антитрест қонуни 1914 йилда қабул қилинди (Клейтон қонуни). Бу қонун ўша пайтдаги реал шарт-шароитлардан келиб чиққан бўлиб, тўртта жиҳатни ўзида акс эттиради:

- нарх чеклашларининг маълум шаклларини тақиқлаш;
- ўзаро боғлиқ шартномаларни бекор қилиш (бундай шартномаларнинг моҳияти шундан иборатки, унда харидор ўзи учун зарур маҳсулотлар билан бирга зарур бўлмаган товарларни ҳам сотиб олишга мажбур бўлади);
- натижаси рақобатни чеклаши мумкин бўлган шароитда акцияларни сотиб олиб ўзаро бирлашишни чеклаш;
- турли директоратдаги айни бир шахс вакиллигига ўзаро боғлиқ директоратларнинг бирлашиб кетишини тақиқлаш.

Трестларга қарши қонунлардан навбатдагиси 1936 йилда қабул қилинган ва Робинсон-Петмен номи билан аталган. Мазкур қонун Клейтон қонунига тузатиш шаклида қабул қилинган. Бу қонунда нарх чеклашларини амалга оширувчи корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Антитрест амалиётида янги жонланиш урушдан сўнг 1950 йилда бошланди. Шу йили кичик бизнес кураши таъсирида Клейтон қонунига янги тузатишлар киритилди. (Селлер-Кэфовер). Эндиликда ҳар қандай йирик корхоналарнинг бирлашиши ҳукумат даражасида кўриб чиқиладиган бўлди.

Ушбу тенденциянинг сусайиши XX асрнинг 80-йилларида юз берди.

1987 йилда АҚШ ҳукумати «Крайслер» ва «Америкен моторс» корпорацияларининг бирлашишига рухсат берди. Бунинг сабаби «Америкен моторс» корпорациясининг инқирозга юз

тутиши ҳисобланади. Бироқ шу йили «Кока-кола» ва «Доктор Пеппер»нинг бирлашиши тақиқланди.

Юқорида қайд этилган антитрест қонунлари АҚШда бугунги кунда амал қилаётган қонунлар учун ҳам асос бўлиб ҳисобланади ва айрим хulosалар чиқариш имконини беради:

Биринчидан, антитрест қонунлари йирик ва кичик бизнес ўртасидаги зиддият натижасида юзага келди. Улар ўша вактда давлат томонидан юқори суръатларда ташкил топаётган картеллар ва трестларга қарши қабул қилинган чора-тадбирлар эди.

Иккинчидан, гарчи трестларга қарши қонунлар ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва монополлашувини муайян даражада чеклаган бўлса-да, улар ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва монополлашувининг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келди. Чунончи, бир тармоқдаги корхоналарнинг бирлашишини тақиқловчи Шерман қонуни холдинг компанияларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди. Қимматли қоғозларни сотиб олиш йўли билан бирлашишни тақиқловчи Клейтон қонуни қабул қилингандан сўнг йирик корхоналар ўзлари билан рақобатлашаётган компанияларни тўлиқ сотиб ола бошлидилар. Барча турдаги горизонтал ва вертикал бирлашишларни тақиқловчи Селлер қонуни қабул қилингач, йирик корхоналар диверсификация ва конгломерат бирлашуви йўлини танладилар.

Гарчи иқтисодчи-олимлар ўртасида монополизмга қарши курашиш зарурати тўғрисида ягона фикр мавжуд бўлмаса-да, уларнинг кўпчилиги эркин рақобатни кўллаб-кувватлайдилар. Шунинг учун антитрест қонунлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни монополиялардан ҳимоя қилувчи муҳим восита, ҳар бир тадбиркорнинг иқтисодий эркинлик кафолати ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда антимонопол қонунчилик Европанинг барча ривожланган мамлакатлари ва Японияда мавжуд. Бундай қонун Ўзбекистонда ҳам қабул қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида солиқ тизими алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай бизнес шакли

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

учун солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали уни қўллаб-кувватлаш жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кенг тарқалган. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун кенг қўлланиладиган солиқ имтиёзи фойдадан олинадиган солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобланади. АҚШда федерал даражада энг юқори корпорация солиғи билан бир қаторда (ҳозирги кунда бу солиқ 35 фоизни ташкил этади) кичик ва ўрта корхоналар учун 15 ва 25 фоизлик ставкалардан фойдаланилади. Буюк Британияда кичик корхоналарга пасайтирилган ставкада солиқ солинади – 25 фоиз (бошқа корхоналар учун – 33 фоиз).

Японияда кооперативлар, жамоат ва тиббиёт ташкилотлари 27 фоиз миқдорида фойдадан солиқ тўлайдилар (солиқнинг умумий даражаси

40 фоизни ташкил этади). Агар корхона 8 млн. иенадан кам фойда олса, улардан 28 фоиз миқдорида солиқ олинади. Бу эса айнан кичик ва ўрта корхоналар учун катта аҳамиятга эга.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкининг пасайтирилиши муҳим рафбатлантирувчи самара беради. Бу эса, айниқса, кичик корхоналар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, фойданинг солиққа тортиш базасини қисқартириш катта аҳамиятга эга. Бу турли хил фонdlар ва захиралар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундай фонdlар ва захиралар ташкил этишнинг солиқ имтиёzlари гуруҳига киритилишига сабаб шуки, фойданинг бу фонdlарга ажратиладиган қисми солиқлардан озод этилади. Мазкур фонdlар таваккалчилик даражасини пасайтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Таваккалчилик даражаси эса кичик ва ўрта корхоналарда анча юқори бўлади. Бундай амалиётдан Германияда кенг фойдаланилади. Бу ерда солиқ қонунчилиги корхоналарга ноаниқ мажбуриятлар бўйича фонdlар ва захиралар ташкил этишга рухсат беради.

Ноаниқ мажбуриятлар бўйича фонdlарга ажратмалар умумий миқдорини белгилаб бўлмайдиган келажакдаги тахминий

харажатларни қоплаш учун ажратилган маблағлар мажмуидир. Бу ажратмалар ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига ва шунга мувофиқ равишда соликқа тортиладиган фойданинг пасайишига олиб келади.

Захиралар турли хил кўзда тутилмаган вазиятлар туфайли кўрилган заарларни қоплаш, жарималарни тўлаш, корхона ишчила-рига нафақа тўлаш ва бошқа мақсадларда тузилиши мумкин.

Ўзбекистонда ушбу тажрибадан фойдаланиш кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг бар-карорлигини таъминлашга, уларни турли хил кўзда тутилмаган воқеа ва ҳодисалар туфайли қўриладиган заарлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритиши кўп жиҳатдан солиқ қонунчилигининг ўзгармаслигига боғлиқ. Солиқ қонунчилигидаги тез-тез ўзга-ришлар кичик бизнес фаолиятига салбий таъсир кўрсатади: бундай ҳолатда тадбиркорлар солиқдаги ўзгаришларни ўрга-нишга улгурмайдилар. Натижада солиқ соҳасидаги жиддий хато тадбиркор учун оғир оқибатни келтириб чиқаради. Шу сабабли Германияда ҳар бир аудитор келгуси йилда солиқ қонунчилигига бўладиган ўзгаришлар тўғрисида тўлиқ маълу-мотга эга бўлади. Йил давомида унга бошқа ўзгаришишлар киритилмайди. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектлари фақат белгиланган микдордаги хужжатлар билан ишлайдилар, улар солиқ қонунчилигига юз бериши мумкин бўлган ўзгари-шларни кузатиш билан боғлиқ ташвишдан халос бўладилар.

Республикамиз солиқ қонунчилиги амалиётида ҳам шу та-жрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. У кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ноаниклиқдан озод қилишга, ўз фаолиятларини бўлғуси ўзгаришлар ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишларига имконият яратар эди.

МДҲ мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни солиқ имтиёzlари воситасида қўллаб-куvvatлашга нисба-

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

тан бир неча хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Россияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қуидаги имтиёзлар жо-рий этилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, тиббиёт техникаси, дори-дармон ишлаб чиқариш, уй-жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш обьектлари қуриш билан шугулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар биринчи икки йил давомида фойда-дан солиқ тўламайдилар. Бироқ барча тушумнинг 70 фоиздан кам бўлмаган миқдори юқорида кўрсатилган фаолият турлари ҳисобига шаклланиши лозим. Учинчи ва тўртинчи йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фойдадан қонунда кўрсатилган миқдорнинг мувофиқ равишда 25 ва 50 фоизи даражасида солиқ тўлайдилар. Бу ерда асосий шарт шундан иборатки, олинган бар-ча тушумнинг 90 фоизидан кам бўлмаган миқдори юқоридаги фаолият турлари ҳисобига шаклланган бўлиши керак.

Бундай солиқ имтиёзининг салбий жиҳати кичик бизнес корхоналари фаолиятининг бекарорлиги билан боғлиқ. Гап шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг «ҳаёт цикли» қисқа бўлиб, 3-4 йилдан ошмаслиги мумкин. Амалиёт-да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг мўлжалланган имтиёз давригача фаолият юритиб, ундан сўнг фаолияти тўхтатилиши каби ҳолатлар ҳам учрайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида унга молиявий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мухим ўрин эгаллайди. Маълумки, кичик бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мураккаб масалалардан ҳисобланиб, бу, энг аввало, ушбу секторнинг ўзига хос хусуси-ятлари билан боғлиқ.

Жаҳон амалиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг қуидаги усулла-ридан кенг фойдаланилади: бевосита молиялаштириш, кредит қийматини пасайтириш, кредит олишга кафолатни таъминлаш.

Кичик корхоналарни бевосита молиялаштириш кўп ҳолларда давлат томонидан турли ривожланиш фондларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бу фондларнинг асосий мақсади банкларнинг кичик корхоналарни кредитлашини рағбатлантириш мақсадида зарурый инвестиция маблағларини жамлашдан иборат.

Кредит ресурслари қийматини пасайтиришда банкларнинг кичик бизнесни кредитлашга йўналтирган маблағларига солиқ имтиёзларини жорий этишдан кенг фойдаланилади. Бу эса кичик бизнесга кредитларни бир мунча қулайроқ шароитларда тақдим этиш имконини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш муаммосини ҳал этишда савдо-саноат палаталари ўзига хос ўрин тутади. Улар кредит учун ўзига хос кафолат вазифасини бажарадилар.

Гарчи кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хусусий инвестиция ресурсларини жалб этишнинг янги молиявий усуллари ва механизmlари пайдо бўлаётган бўлса-да, уни давлат томонидан қўллаб-куватлаш ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб қолмоқда.

Буюк Британияда кичик бизнесни асосий молиялаштириш манбалари хусусий шахслар жамғармалари ва банк кредитлари хисобланади. Кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлашда фонд биржаларида қайд этилмаган компаниялар қимматли қоғозлар бозори сезиларли роль ўйнайди. Кичик бизнесни молиялаштирувчи маҳсус фирмалар кенг тарқалган. Англиядаги кичик корхоналарнинг 20 фоизидан кўпроғи Англия банки ва клиринг банклари томонидан назорат қилинувчи саноат ва савдо корхоналарини молиялаштириш коорпорациясидан кредит оладилар.

Буюк Британияда давлат сиёсати тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган. Бу йўналишда

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

«Hoon Quaratie Sepeme» асосий ҳукумат дастури ҳисобланади. Ушбу дастурга мувофиқ давлат қайтмаган кредитларнинг 70 фоизини, иқтисодий вазият оғир районларда 85 фоизини кафолатлайди. Бундай кафолатда фоиз ставкаси 2,5 фоизни, иқтисодий вазият оғир районларда 2 фоизни ташкил этади. Ушбу дастур бўйича давлат кафолатлари жами кредитларнинг 70-80 фоизини қамраб олади. Ҳар йили кафолатларни қоплаш учун 50 млн. фунт стерлинг ажратилади.

Бундай сиёsat натижасида бугунги кунда Буюк Британияда кичик фирмаларни кредитлаш деярли тўлиқ банклар ихтиёрига ўтган. Буюк Британияда ҳам кичик бизнесни молиялаштириш бўйича турли хил ҳудудий дастурлар кенг тарқалган бўлиб, улар жойларда кичик бизнеснинг ривожланишига ижобий таъсир кўrsатмоқда.

Италия кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимида мақсадли субсидиялаш ва имтиёзли кредитлар асосий ўрин эгаллайди. Янги фирма барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш учун кредитлар 15 йилга, фаолият юритаётган фирмаларни кенгайтириш ва замонавийлаштириш учун 10 йилга берилади. Фоиз ставкаси кредит микдоридан келиб чиқсан ҳолда йилига 36-60 фоизни ташкил этади. Кредитлар тақдим этишда, айниқса, ёш тадбиркорларга алоҳида устуворлик берилади. Бироқ уларнинг фаолияти даврий аудиторлик назоратидан ўтказиб турилади.

Германияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлашнинг асосий йўналишларига кичик ва ўрта корхоналарни кенгайтириш ва таъмирлаш, янги корхоналарни сотиб олиш ва ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун йиллик компаниялар капиталларни жалб этишга қарзлар бериш, ишчи ўринларни барпо этиш ва сақлаб қолишга узоқ муддатли инвестициялар, энергияни тежашга қаратилган тадбирларни амалга оширишини инвистицион қўллаб-кувватлаш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини субсидиялаш ва бошқалар киради.

Германияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ тадбиркорга биринчи икки йиллик фаолияти учун фоизсиз, кейинги йилларда эса имтиёзли кредит берилади. Имтиёзли кредитлар бизнес-режага мувофиқ давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилади ва кредитнинг мақсадли ишлатилиши қаттиқ назорат остига олинади.

Экспертлар фикрига кўра, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка энг катта ёрдам, биринчи навбатда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Японияда амалга оширилади. Бир қатор идора ва вазирликлар сметаларида маҳсус моддалларда кичик корхоналар учун маблағлар ажратилади. Кичик корхоналар давлат инвестициялари ва қарзлари дастурлари доирасида ҳам молиялаштирилади. Бироқ, бу маблағлар кичик фирмаларга тўғридан тўғри эмас, балки тижорат асосида тижорат кредит муассасалари орқали йўналтирилади.

Бундай муассасалар жумласига Япония ҳукумати иштирокида барпо этилган кичик бизнес Корпорациясини киритиш мумкин бўлиб, фаолиятининг асосий йўналишларидан бири кичик корхоналарга имтиёзли давлат кредитларни тақдим этишdir. Ҳар йили мазкур Корпорация 20 млрд.иена миқдорда кичик фирмаларга ёрдам кўрсатади.

Юқори даражада ихтисослашганлиги билан ажralиб турувчи Япония банк тизимида кичик ва ўрта корхоналар билан бевосита ишловчи бир нечта корхоналар мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тажрибасига кўра, барча мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг аниқ механизми ишлаб чиқилган. Ушбу тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш асосида республикамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиши

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

учун қулай имкониятларни вужудга келтирувчи кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмини яратиш бугунги кундаги дол зарб муаммолардан ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида уларнинг давлат буюртмаларини бажаришда қатнашиши мухим ўрин эгаллади. Ривожланган мамлакатларда давлат буюртмаларини бажариш бир қатор афзаликларга эга. Бу ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳам субсидиялар, ҳам тақчил хомашё билан таъминлаш, ҳам бошқа имтиёзлардир. Бундан ташқари давлат буюртмаларини бажариш давомида тадбиркор рақобатчилар тўғрисида ташвиш чекмайди, асбоб-ускуналардан тўла фойдаланиш, ишчи кучидан унумли фойдаланиш имконияти юзага келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун барқарор ва юқори ҳақ олинади. Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат буюртмаларини бажаришда қатнашиши уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бир шакли ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида уларга бошқарув, техник ва ахборот ёрдамларини кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда барча ривожланган мамлакатларда маслаҳат хизматлари, турли хил курслар, ахборот марказлари тармоги мавжуд.

Буюк Британияда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам мутахассислар тайёрлашга жиiddий эътибор қаратилади. Бу ерда 5 та университет бизнес мактаблари энг обрўли ҳисобланади: Лондон, Манчестер, Глазго, Дюрам ва Ворвик. Ҳар йили бу мактабларни 200 минг киши битиради.

Германияда тадбиркорларни ўқитиш савдо-саноат палаталари тизими орқали амалга оширилади. Улар ҳар йили янги тадбиркорлар учун семинарлар ўтказадилар.

Жаҳон банки гуруҳининг йиллик нашри «Бизнесни юритиши» ҳисоботи 2003 йилдан бўён тузилади. У жаҳон мамлакатларидаги:

-
- 1) ишбилармөнлик фаоллиги;
 - 2) бизнесни юритиш хусусиятлари;
 - 3) бизнес учун мамлакатлардаги мавжуд чекловларни баҳолайди.

Ҳисоботда хусусий корхоналарнинг фаолият юритиш даврида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳаларидаги тартибга солиш меъёрлари баҳолаб борилади. Хусусий сектор субъектларининг бизнес юритиш даражасидаги шарт-шароитлар ва имкониятлар дастлабки даврда бешта кўрсаткич бўйича 108 мамлакатда амалга оширилган. Эндилиқда ҳисбот жаҳоннинг 189 мамлакати бўйича тайёрланишига эришилмоқда.

Айни чоғда мезонлар сони ҳам 2015 йилгача 11 тага етган бўлса, 2016 йилдан бошлаб кўрсаткичлар сон 10 тага келтирилди. Бироқ 11-мезон, яъни меҳнат бозорини тартибга солиш кўрсаткичи бошқа кўрсаткичлар ичига сингдирилиб юборилди. Яъни, 2016 йил рейтингини ҳисоблашда ушбу мезон алоҳида кўрсаткич сифатида киритилмади. Бироқ рейтингда ушбу мезон ҳисобга олинган. Қолган 10 та баҳолаш кўрсаткичлари таркибидан қуидагилар ўрин олган:

1. Корхоналарни рўйхатга олиш;
2. Қурилишга рухсатномалар олиш;
3. Электр таъминоти тармоғига уланиш;
4. Мулкни рўйхатга олиш;
5. Кредитлар олиш;
6. Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш;
7. Солиқ солиш;
8. Халқаро савдо;
9. Шартномалар ижросини таъминлаш;
10. Тўлов қобилиятсизлигини ҳал этиш.

Бутунжаҳон банкининг мазкур глобал рейтинг натижалари асосида 189 та таомилдан (позициядан) ташкил топган рейтингда ҳар бир давлатта тегишли ўрин берилади. Мамлакатнинг рейтингдаги ўрни қанчалик юқори бўлса, шунчалик корхоналарни

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
очиш ва юритиш учун мазкур давлат тадбиркорлик муҳитининг яхшилигидан дарак беради.¹

Кетма-кет 10 йил давомида тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш бўйича рейтингни Сингапур бошқариб бормоқда. Бизнесни юритиш учун энг қулай шарт-шароитларга эга мамлакатлар бешталигига Янги Зеландия, Дания, Жанубий Корея ва Гонконг (Хитой) мамлакатлари киритилган. Қолган бешта мамлакат: Буюкбритания, АҚШ, Швеция, Норвегия, Финляндиядан иборат. Рейтингда охирги ўринларни: Экваториал Гвинея, Ангола, Гаити, Чад, Конго Демократик Республикаси, Марказий Африка Республикаси, Венесуэла (Боливариан Республикаси), Жанубий Судан, Ливия, Эритрея эгаллайди.

Рейтинг натижалари мамлакатни иқтисодий баҳолаш билан бир қаторда, ижтимоий ривожланишга ҳам ўз таъсирини ўtkазади. Ҳисобот тайёрлашнинг охирги икки йилида устувор индикаторлар ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор: қурилишга рухсат олиш, электр энергияси билан таъминланганлик, мулкни рўйхатга олиш, шартномалар ижросига қаратилди. Мехнат бозорини тартибга солишда меҳнатнинг сифати, касалликка таътил бериш, ўқишдан ажralмаган ҳолда ишлаш ва ишсизлик омиллари ҳисобга олинди. Савдо методологияси ҳам қайта кўриб чиқилган.

Шундай қилиб, 2016 йил ҳисоботида тадқиқотлар натижаси бўйича 2014–2015 йиллар давомида бутун дунёда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган 231 та ислоҳот қайд этилган. Мазкур ислоҳотларнинг умумий сонидан 25 фоизи Европа ва Марказий Осиё давлатларига тўғри келади. Шунингдек, ушбу худуднинг, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эга биринчи давлатлар ўнталиги рўйхатига Ўзбекистон ҳам кирган. Ушбу давлатлар (қолган

¹ <http://www.doingbusiness.org/methodology>.

түўккизтаси Коста-Рика, Уганда, Кения, Кипр, Мавритания, Ко-зогистон, Ямайка, Сенегал ва Бенин) ҳар ҳолда, камида учта ислоҳотни ўзида татбиқ этиб, глобал рейтингда юқорига чиқиб олган давлатлардир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли мавжуд бўлмаган бўлса, бугунги кунга келиб тадбиркорлик субектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан кўпроқ қисми, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг учдан бири ва деярли барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Айнан хусусий сектор мамлакатимизда ахоли даромадлари ўсишининг асосий манбай хисобланмоқда.

Шундай қилиб, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш бўйича жаҳон тажрибасини умумлаштириш натижалари улардан Ўзбекистонда қуидаги йўналишларда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади:

- монополияларга қарши қонунчиликнинг амалий аҳамиятини ошириш, монополистик тузилмаларни камайтириш ҳамда монополияга оид қонунчиликни ижро этиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўлланиладиган солиқ ставкаларини тартибга солиш ва солиқ бўйича имтиёзлар тизимини такомиллаштиришда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошқарув, техник ва ахборот ёрдамларини кўрсатиш механизмини такомиллаштириш ва ривожлантиришда ва бошқалар.

II БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНГ ХОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда дастлаб 1990 йилдаёқ республика Биринчи Президенти Ислом Каримов «Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг, керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг, аҳолини иш ва иш ҳақи билан таъминлашнинг муҳим йўналиши – кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривожлантириб, уларни иш кучи ортиқча районларга жойлаштиришдир. Кичик корхоналар тайёрланадиган маҳсулотларни тезда ўзлаштиради, цехлар бозор инжиқликларига тезроқ мослашиб, кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш имконини беради»¹, деб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлашишига кенг йўл очиб берган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иктисодий барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида танланиши қўйидагилар билан ҳам изоҳланади:

1. Ташкил қилиш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун катта харажат ва капитал қўйилмалар талаб этмайди.
2. Миллий иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, уни барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлайди.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 132–133-бетлар.

3. Аҳоли иш билан бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлайди.

4. Ички бозорни зарур истеъмол товар ва хизматлари билан тўлдиришда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

5. Минтақа бозорларидаги талаб ва савдонинг ўзгаришила-рига тез мослашади.

6. Ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация, диверсификациация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатураси-ни муентазам янгилашиб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.¹

Шуларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда, биринчи навбатда, тадбиркорликнинг ҳукуқий асосини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳукуқий нормалари ва тамойиллари асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Хусусий тадбиркорлик кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги қонунлар қиска муддатда давлат мулки бўлган обьектларни хусусий мулкка айлантириш ва кичик корхоналар ташкил этиш имконини яратди.

Қишлоқ ҳўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўплаб тармоқлар деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди. Кейинчалик эса «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Оиласвий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ва шу каби бошқа қонунларнинг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти // 2012 йил 14 сентябрда Тошкентда ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимиидаги нутқ // «Халқ сўзи», 2012 йил 10 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
лантиришнинг янги босқичига ўтиши учун мустаҳкам ҳукуқий асос вазифасини ўтади.

Умуман, мамлакатда қулай тадбиркорлик муҳитини яратишга қаратилган катта ҳажмдаги меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Айниқса, янги таҳирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб кўйилди. Мазкур қонунда кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқий мақоми белгилаб кўйилган. Уларга қуидагилар киради:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- микро фирмалар;
- кичик корхоналар.¹

Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс томонидан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорлик тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади. Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оиласиб тадбиркорлик, оддий ширкат ва дехкон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин.

¹ «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Конуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 37-38-сон, 371-модда; 41-сон, 405-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 52-сон, 555-модда; 2010 й., 37-сон, 314-модда, 50-сон, 469-моддда; 2011 й., 16-сон, 162-модда, 37-сон, 374-модда.

Ўзбекистонда ишбилармонлик ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида умумқабул қилинган бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш мақсадида 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги кичик корхоналарда ходимларнинг чекланган сони йилига ўрта ҳисобда амалдагидан икки бараварга – 200 кишигача оширилди.¹

Хунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўртacha йиллик сонига ўриндошлиқ, пудрат шартномалари ва фуқаролик-хукукий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимлар, шунингдек, унитар (шуъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганлар ҳам киради.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари қуйидаги хукукларга эга:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;
- мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари)нинг истеъмолчиларини танлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 163-модда.

- тадбиркорликдан чекланмаган микдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш;
- ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равищда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш;
- бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;
- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.¹

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти субъектларидан бири сифатида оиласвий тадбиркорликнинг хукуқий асоси яратилиши миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос бўлиб тушди. Оиласвий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланади.

Оиласвий корхона оиласвий тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хукуқий шаклларидан биридир. Оиласвий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оиласвий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оиласвий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этилади. Оиласвий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин.²

¹ Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси.

² Ўзбекистон Республикасининг «Оиласвий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.



2.1.1-расм. Кичик тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлаш йўналишлари ва механизмлари.¹

Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-куватлаш чораларини кўради (2.1.1-расм).

¹ М а н б а: Асатов Ж.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиктисодий баркарорлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсирини баҳолаш ва прогнозлаш йўналишлари. Диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2015.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг таъсирчан воситаларидан бири соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий инфратузилмалари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгашидир.

Кичик бизнес субъектларининг солиққа тортилишда ҳам катта имтиёзларга эгадирлар.

Мамлакатда солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган сиёsat туфайли микро фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 12,0 %дан 5,0 %га, юридик шахслар учун фойда солиғи 15,0 %дан 7,5 %га туширилди. Бундан ташқари, экология солиғи, ягона солиқ, ялпи даромад солиғи ва айрим бошқа солиқларнинг бекор килиниши тадбиркорларга салмоқли маблағларни тежаш имконини берди.

2012 йилнинг 1 январидан эътиборан саноат соҳасидаги микро фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6,0 %дан 5,0 %га камайтирилди.

Харидоргир бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар 5–7 йилга солиқ тўловидан, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилайдиган, модернизация қиласиган корхоналар эса божхона тўловларидан бутунлай озод қилинди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига амал қилиш, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаиниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда иқтисодиётнинг ушбу секторини кредитлашда имтиёзлар бериш

катта аҳамиятга эга. Буни ҳисобга олган ҳолда «Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом»га асосан кичик бизнес субъектларига имтиёзли микрокредитлар қуидаги мақсадлар учун ажратилади:

- Бошланғич сармояни шакллантириш учун фоиз ставкаси – йиллик 3,0 % микдорида, муддати – 18 ойгача;
- юридик шахс мақомига эга бўлмаган дехқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача микдорда;
- микрофирмалар ва дехқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача микдорда;
- фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача микдорда.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар факат янгидан очилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун буюртма берган тадбиркорларга берилади.

1. Бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик бизнес субъектларига микрокредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача микдорда, йиллик 7,0 % устама билан, 24 ойгача муддатга ажратилади.

2. Учинчи тарафдан мол-мулк олиш, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун кичик бизнес субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача микдорида йиллик 5,0 % устама билан, 3 йилгача муддатга микролизинг хизмати кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан ҳам кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш белгилаб қўйилган. Улар бошланғич сармояни шакллантириш учун фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми микдорида янгидан очилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

банкка буюртма берган юридик шахс мақомини олиб фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иктисодий асосланишини ишлаб чиқишига, асбоб-ускуналар сотиб олиш максадларига берилади.

Тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли-кредитлаш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳам кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу кредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50,0 % дан (йиллик 7,0 %) юқори бўлмаган фоиз ставкаси билан:

- хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга 1 йил муддатгача;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга камида 2 йил муддатга;
- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун 5 йил муддатга ажратилади.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиши муддати уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чеклаб қўйилди. Кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди икки бараварга оширилди. Натижада кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар микдори сўнгти ўн йилда қарийб 20 баравар кўпайди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50,0 %ни мажбурий сотишдан озод этилди.

Хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга

оширишда тўлов терминаллари чеклари бирламчи бухгалтерлик хужжатларига тенглаштириладиган бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган накд пул тушумини мустақил топшириш хуқуки берилди.¹

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди. Биргина 2014 йилда улар томонидан Республика товар-хомашё биржасида қарийб 3,0 трлн. сўмлик хомашё ва материаллар сотиб олинди. Шу билан бирга, хусусий тадбиркорлар биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1,5 трлн. сўмлик маҳсулотни сотди.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирларни кўзда тутади. Уни қўллаб-кувватлашга қаратилган асосий қонуний кафолатлар ва қоидалар қўйидагилардан иборат:

1. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашиблик.* Ушбу қоидага мувофиқ давлат ва бошқа органларнинг, уларнинг мансабдор шахслари ва раҳбарларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларига аралашибши кескин чекланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хуқуқларини поймол этилган тақдирда улар судга мурожаат этиш хуқуқига эга. Бундай холатда давлат органлари ўзлари томондан етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаб беришлари шарт.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилиармонлик мұхитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354 сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 йил, 34–35-сон, 344-модда.

2. *Текшириши ва ҳисобот.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган давлат статистикаси ва бухгалтерия ҳисоботи Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибда ҳисботнинг соддалаштирилган шаклида амалга оширилади.

3. *Мулкчилик ҳуқуқи кафолатлари.* Мулкчилик ҳуқуқи инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлар учун бу ҳуқуқ алоҳида аҳамият касб этади, чунки мулкни сотиб олиш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва кўпайтириш тадбиркорлар фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулкчилик ҳуқуқлари «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддасида ўз аксини топган. Қонуннинг 20 ва 21-моддаларида эса тадбиркорларга ўз маҳсулоти ва даромадлари, шунингдек, пул маблағларини эркин тасарруф этиш кафолатлари тақдим этилган.

4. *Жадаллаштирилган амортизация.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чиқимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий фондларнинг жадаллаштирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан икки мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўллашлари мумкин. Бундан ташқари улар амортизация ажратмалари ажратиб келинган ва уч йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизига қадарини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эгадирлар.

5. *Имтиёзли кредитлаш.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш имтиёзли тартибда амалга оширилади. Бунда улар томонидан олинмаган даромадлар кредит ташкилотларига тўлиқ ёки қисман компенсация килинади. Компенсация миқдори, тартиби ва шартлари кредит ташкилотлари ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли фонд ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини сугурта қилиш кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ихтинослаштирилган агентликлар ва бошқа сугурта ташкилотлари томонидан имтиёзли шартларда сугурта қилинадилар.

7. *Солиқ ва тўловвлар бўйича имтиёзлар*. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўлашда муайян имтиёзлардан фойдаланадилар.

8. *Ахборот хизмати*. Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига уларнинг бу субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар, ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари яна шуни кўрсатадики, унинг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиқкан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим. Масалан, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларда айрим қоидалар етарли даражада аниқ тавсифланмаган. Бу эса баъзи ҳолларда уларни икки хил талқин қилишга ҳамда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларига зид келувчи қонуности ҳужжатларнинг қабул қилинишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, қонуний ҳужжатларда аниқ манбаси келтирилмаган бошқа ҳужжатларга иловалар мавжуд («қонунда белгиланган тартибда» сингари).

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, фикримизча ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалий аҳамиятини ошириш ва такомиллаштириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уларнинг бир-бирига зид келишига йўл қўймаслик;

- қабул қилинган қонуний ва меъерий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш мақсадида тадбиркорларда ҳуқукий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча аъзолари томонидан қонунга риоя қилишни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият эркинликларини амалда кенгайтириш учун суд органлари ва уюшмалар, иттифоқлар каби жамоат ташкилотларининг мавқенини ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ўринсиз аралашишлар ва текширишлар сонини кескин камайтириш мақсадида уларни юридик жиҳатдан ҳимоя этиш тизимини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асл мақсади иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил яхшилаб боришга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимиз ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини 4 босқичга бўлиб ўрганиш мумкин (2.1.1-жадвал).

Биринчи босқич 1991–1995 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони юқори суръатларда ўсади.

2.1.1-жадвал

**Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари сони
ҳамда унда банд бўлганлар сони ўзгариши**

| Йиллар | Кичик тадбиркорлик субъектлари* | | Кичик тадбиркорлик субъект- ларида банд бўлганлар | |
|--|------------------------------------|----------------------------------|--|----------------------------------|
| | мингта | ўтган йилга нис- батан фоизда | минг киши | ўтган йилга нис- батан фоизда |
| 1992 | 52,8 | 177 | 3728,4 | 112,2 |
| 1993 | 74,4 | 140,9 | 4661,2 | 125 |
| 1994 | 98,5 | 132,3 | 5462,9 | 117,2 |
| 1995 | 142,0 | 144,1 | 6577,4 | 120,4 |
| 1996 | 171,0 | 120,4 | 7004,9 | 106,5 |
| 1997 | 146,7 | 85,8 | 3873,7 | 55,3 |
| 1998 | 165,6 | 112,9 | 3548,3 | 91,6 |
| 1999 | 159,7 | 96,4 | 4152,5 | 117 |
| 2000 | 183,0 | 114,5 | 4483,8 | 108 |
| 2001 | 201,9 | 110,3 | 4842,5 | 108 |
| 2002 | 215,4 | 106,7 | 4945,1 | 102,1 |
| 2003 | 229,6 | 106,6 | 5471,6 | 110,6 |
| 2004 | 237,5 | 103,4 | 5975 | 109,2 |
| 2005 | 268,6 | 113,1 | 6603 | 110,5 |
| 2006 | 346,1 | 128,9 | 7259 | 109,9 |
| 2007 | 392,0 | 113,3 | 7763 | 106,9 |
| 2008 | 398,6 | 101,7 | 8024 | 103,4 |
| 2009 | 422,9 | 106,1 | 8402 | 104,7 |
| 2010 | 201,7** | 47,7 | 8639 | 102,8 |
| 2011 | 218,9 | 108,5 | 8951 | 103,6 |
| 2012 | 219,7 | 100,4 | 9241 | 103,2 |
| 2013 | 213,7 | 97,3 | 9518 | 103,0 |
| 2014 | 221,1 | 103,5 | 9898 | 104,0 |
| 2015 | 226,0 | 102,2 | 10179 | 102,8 |
| 2016 | 218,8 | 97,0 | 10417 | 102,3 |
| 2016 йилда 1992 йилга нисбатан фоизда | | 428 | | 273 |

Ма н б а: Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

*1992–2002 йилларда кичик ва ўрта тадбиркорлик деб юритилган ва шунга мувофиқ ҳисобланган.

**2010–2015 йилларда дехқон ва фермер хўжаликларисиз ҳисоблаганда.

Жадвал маълумотларидан яққол кўриниб турибдики, 1992–1995 йилларда кичик ва ўрта корхоналарнинг сони 2,7 мартаға кўпайди. Биринчи босқичда бундай тенденциянинг қарор тоши қўйидаги омиллар билан боғлиқ:

- кичик хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ва бунинг натижасида корхона раҳбарлари ва ишчилари томонидан корхоналарнинг сотиб олиниши, корхона активларининг хорижий ва ички инвесторларга сотилиши;
- нисбатан либерал иқтисодий муҳитнинг қарор топиши;
- ўзбек халқининг тадбиркорлик ва ижодкорликни рағбатлантирувчи кўп асрлик анъаналари тиклана бошлиши ва ҳоказо.

Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг бошланғич босқичи хусусиятлари ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Хусусан, ўтиш даврида кичик бизнес корхоналари фаолиятида қисқа муддатли операциялар стратегик мақсадларга нисбатан устувор ўринга эга бўлади. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, ўтиш даврида макроиқтисодий бекарорлик мавжудлиги ва рақобат муҳити ривожланмаганлиги туфайли муомала соҳасидаги қисқа муддатли операциялар йирик миқдорда фойда олишни таъминлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхоналар ривожланишининг бошланғич даврида улар фаолиятида иқтисодий омиллар муҳим аҳамият касб этди. Истеммол товарлари ва хизматларнинг тўйинмаган бозори юқори фойда асосида бизнес юритиш имконини берди. Ўтиш даврининг бошланғич босқичидаги таркибий номутаносибликлар эса ресурсларни қайта тақсимлашдан катта миқдорда фойда олишга имконият яратди.

Кичик тадбиркорлик корхоналарининг бошқа шаклларига нисбатан бозор шароитларига тезроқ ва яхшироқ мослашди. Шу сабабли юқори инфляция даражасига қарамасдан айнан мана шу соҳа юқори суръатларда ривожланди.

Юқоридаги жадвал маълумотлари шундан далолат беради-ки, 1992–1995 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликда банд бўлғанлар сони 1,7 мартаға ўсди. Алоҳида меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони бир неча баробарга кўпайди. Айни вақтда иқтисодиётнинг давлат секторида банд бўлғанлар сони сезиларли даражада қисқарди. Хусусийлашти-риш дастурининг амалга оширилиши ҳам меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг нодавлат сектори фойдасига қайта тақсимланишини таъминлади.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг шаклланиш жараёнига нар-хларнинг эркинлаштирилиши бевосита таъсир кўрсатди. У реал сектор ва хизмат кўрсатишига ихтисослашган соҳалар даромадла-ри ўртасидаги тафовутларнинг ошишига олиб келди. Шу сабабли, айниқса, воситачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик ва ўрта корхоналар юқори суръатларда ривожланди.

Импорт соҳасидаги тадбиркорлик истеъмол бозорини тў-йинтиришга қаратилди. Ислоҳотларнинг бошланғич даврида инвестицион товарлар импорти қисқарди. Четдан келтирилган истеъмол товарларини юқори фойда билан сотиш имконияти кичик тадбиркорлар қатлами – «челнок»ларнинг вужудга ке-лишига олиб келди.

Кичик ва ўрта корхоналар ривожланишининг иккинчи босқи-чи 1996 йилнинг охири ва 1999 йилни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ки-чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши бир мунча секинлашди.

2.1.1-жадвал маълумотлари 1996-1999 йилларда кичик ва ўрта корхоналар сонининг 40 фоиздан кўпроқка қисқарганлигини кўрсатади. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида би-ринчи босқичга нисбатан акс тенденциянинг вужудга келиши қўйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

– иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлат-нинг инвестицион фаоллиги ошди. Бу эса молиявий ресурслар-

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

нинг давлат сектори фойдасига қайта тақсимланишига олиб келди;

– кичик корхоналар учун воситачилик фаолиятидан олинадиган даромадлар даражаси сезиларли даражада қискарди. Бунга, бир томондан, макроиктисодиёт соҳасида қўлга киритилган ютуклар, иккинчи томондан, 1996 йилнинг кузидан бошлаб импортни давлат томонидан тартибга солишнинг кучайганлиги таъсир кўрсатди;

– фаол инвестиция сиёсатини юритар экан, давлат, энг аввало алоҳида тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини қўллаб-кувватлай бошлади. Бунда устуворлик йирик ишлаб чиқаришга берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишидаги бундай ўзгаришлар бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Мазкур соҳада банд бўлганлар сони кескин қисқариши ишсизлик муаммосининг чукурлашувига олиб келди. Масалан, 1995–1998 йилларда меҳнатга яроқли ёшдаги кишилар сони 8,2 фоизга ўсган бўлса, иктиносидиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 4,1 фоизга ўсди, холос.

Бундан ташқари 90-йилларнинг иккинчи ярмида рўйхатга олинган фермерларнинг катта қисми хўжалик фаолиятини юритишга киришиб кета олмадилар. Бир қатор корхоналар фақат воситачилар билан битимларни енгиллаштириш ва солик тўлашдан қочиш учун ташкил қилинди.

Даромадларни қайта тақсимлашда давлатнинг юқори фаоллиги ва солик қонунчилиги бажарилиши устидан назоратнинг мақсадга мувофиқ йўлга қўйилмаганлиги шароитида кичик ва ўрта корхоналар секторида солик тўлашдан қочиш кенг кўламда кузатилди. Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси томонидан ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, рўйхатдан ўтказилган корхоналарнинг 85 фоизи икки ёқлама бухгалтерия ҳисоби юритганлар ва улар ўз даромадларининг атиги 45 фоизини декларация қилганлар,

холос.¹ Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинган солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги барча солиқ тушумларидаги улуши 1995 йилда 2,9 фоиздан 1998 йилда 1,8 фоизгача пасайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг учинчи босқичи 1999 йилдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида қилган маърузасида иқтисодиётни янада либераллаштириш ғояси илгари сурилдики, унинг муҳим йўналишларидан бири кичик ва ўрта бизнес ривожланиши учун барча шарт-шароитларни барпо этишдан иборат. Айтиш мумкинки, учинчи босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида янги давр бошланди. Кейинги уч йил давомида (1999–2002 йиллар) кичик ва ўрта корхоналар сони қарийиб 26 фоизга, унда банд бўлганлар сони 16,6 фоизга ўсади.

Шуни таъкидлаш лозимки, фақатгина рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг ўзгариши тўғрисида фикр юритиш республикамизда кичик бизнеснинг ривожланиши тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди, чунки уларнинг бир қисми йил давомида фаолият юритмаслиги ҳам мумкин.

Тўргинчи босқич 2003 йилдан бошланиб, бунда даставвал ўрта бизнес тоифаси бекор қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2016 йилда 56,9 фоизга етди. Ҳолбуки, 2003 йилда бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

¹ Курманбаева Ф., Пугач И. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы // Экономическое обозрение. 2000, №3. 8-б.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда саноат тармоқларига тўғри келади (2.1.2-жадвал).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар унинг иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулотдаги улушининг ўзгаришига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Кўриниб турибдики, 1999 йилда жами кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 47,5 фоизи ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 54,3 фоизга, 2015 йилда эса 44,4 фоизга етди.

1999–2016 йиллар давомида саноатдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари салмоғи 12,9 фоиздан 45,3 фоизгача, савдо ва умумий овқатланиш – 38,4 фоиздан 89,6 фоизгача, қурилиш – 7,7 фоиздан 67,8 фоизгача, қишлоқ хўжалигининг улушки – 23,5 фоиздан 98,2 фоизга ўсди.

2.2.2-жадвал

Кичик тадбиркорликнинг (бизнеснинг) иқтисодиётнинг асосий тармоқларидағи улушки

| | 2000 й.* | 2001 й.* | 2002 й.* | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|-------------------|----------|----------|----------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Саноат | 12,9 | 12,5 | 15,4 | 10,8 | 11,0 | 10,0 | 18,8 | 21,9 | 31,7 | 40,6 | 45,3 |
| Қишлоқ хўжалиги | 73,6 | 74,5 | 74,9 | 78,1 | 81,1 | 85,7 | 97,8 | 97,7 | 98,0 | 98,4 | 98,2 |
| Инвестиция | 15,4 | 13,4 | 16,3 | 15,0 | 18,8 | 24,0 | 28,5 | 31,9 | 35,4 | 35,8 | 39,1 |
| Қурилиш | 38,4 | 40,4 | 42,0 | 39,9 | 49,6 | 50,9 | 53,1 | 68,6 | 69,5 | 66,7 | 67,8 |
| Савдо** | 74,1 | 75,5 | 79,6 | 87,3 | 88,5 | 88,2 | 85,1 | 86,7 | 86,3 | 87,1 | 89,6 |
| Пуллик хизматлар | 37,0 | 39,4 | 40,1 | 45,3 | 47,9 | 52,5 | 47,0 | 46,3 | 48,6 | 50,5 | - |
| Юқ ташиш | 6,7 | 8,3 | 12,0 | 14,7 | 19,7 | 24,6 | 41,6 | 43,2 | 50,9 | 53,7 | - |
| Юқ айланмаси | 25,8 | 31,2 | 37,2 | 45,8 | 54,1 | 59,7 | 76,6 | 78,9 | 83,4 | 83,7 | - |
| Йўловчи ташиш | 30,0 | 34,6 | 39,5 | 48,3 | 57,6 | 65,7 | 79,4 | 81,8 | 85,5 | 87,3 | - |
| Йўловчи айланмаси | 44,0 | 49,5 | 54,7 | 63,4 | 71,9 | 77,8 | 84,7 | 87,0 | 88,6 | 89,2 | - |

Ма н ба: Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

* Кичик ва ўрта бизнес

** Дехқон бозорлари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илм-фан ва илмий хизматда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари сони ҳам мутлақ, ҳам нисбий микдорда камайган. Шунга қарамасдан, савдо ва умумий овқатланишда фаолият юритаётган кичик корхоналар сони сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Бу соҳанинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадорлиги унга сарфланган харажатлар қопланиш муддатининг қисқалиги ва нисбатан барқарор истеъмол талабининг мавжудлиги билан тушунтирилади.

1999–2016 йилларда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган кичик биснес субъектлари сони қарийб икки баробарга ўси. Бу аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар

2.2.3-жадвал

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

| Худудлар | 2013 йил | | 2014 йил | | 2015 йил | |
|--------------------|---------------------|-------------|---------------------|-------------|---------------------|-------------|
| | ҳажми, млрд. сўм | улуши, % | ҳажми, млрд. сўм | улуши, % | ҳажми, млрд. сўм | улуши, % |
| Республика бўйича | 15154,2 | 24,8 | 23986,7 | 31,9 | 39643,5 | 40,6 |
| Қорақалпогистон Р. | 243,3 | 24,2 | 461,3 | 34,6 | 1006,3 | 42,1 |
| Андижон | 970,7 | 11,7 | 1668,7 | 17,4 | 3115,3 | 32,0 |
| Бухоро | 631,3 | 25,3 | 1093,6 | 32,0 | 2121,0 | 41,2 |
| Жizzах | 356,8 | 45,1 | 430,4 | 42,9 | 773,6 | 52,5 |
| Қашқадарё | 587,2 | 10,1 | 1068,5 | 16,9 | 2187,0 | 25,1 |
| Навоий | 369,5 | 5,9 | 767,1 | 10,2 | 1802,9 | 19,4 |
| Наманган | 798,2 | 48,8 | 1098,4 | 55,9 | 1773,3 | 62,0 |
| Самарқанд | 1391,9 | 42,2 | 1973,8 | 45,3 | 3415,3 | 56,0 |
| Сурхондарё | 296,56 | 26,1 | 415,1 | 29,2 | 747,6 | 39,1 |
| Сирдарё | 389,1 | 21,6 | 615,4 | 30,4 | 1136,3 | 40,3 |
| Тошкент | 1656,3 | 18,4 | 2803,8 | 25,3 | 4440,6 | 30,8 |
| Фарғона | 958,6 | 21,2 | 1596,9 | 27,8 | 3075,3 | 42,9 |
| Хоразм | 367,0 | 35,8 | 450,6 | 29,7 | 1018,4 | 38,9 |
| Тошкент ш. | 6176,8 | 46,1 | 9485,6 | 68,9 | 13030,6 | 68,6 |

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, ушбу корхоналарнинг асосий қисмини дехқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади.

Жадвал маълумотлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда тобора кенгроқ мавқега эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 1999 йилда 29,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 56,9 фоизга етди. Гарчи саноат тармоғида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг умумий сони сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, уларнинг саноатдаги улуши 1999 йилда 10,5 фоиздан 2016 йилда 45,3 фоизга ўсди. Бу саноат тармоғида фаолият юритаётган кичик ва ўрта корхоналарда сифат ўзгаришлари юз бераётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга ушбу тармоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг нисбатан пастроқ суръатларда ривожланаётганлигини таъкидлаш лозим.

Йирик саноати ривожланган Тошкент, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан паст даражада қолмоқда. Уларнинг улуши (2015 й.) кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг тегишлича 30,8 %; 25,1 %; ва 19,4 % тўғри келади. Аксинча ҳолатни Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида кўришимиз мумкин. Бу ҳудудлarda кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қарийб 40 %дан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (2.2.3-жадвал).

2015 йилда республика бўйича жами 42085,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари яратилган бўлса, унинг 10692,0 млрд. сўми ёхуд 25,4 % кичик бизнес соҳасига тўғри келади.

Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кичик бизнес вакилларининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда нисбатан фаол кўрсаткичларга эришганларини қайд этишимиз мумкин. Уларнинг ҳар бири 50 %дан зиёд кўринишда яратилган истеъмол товарларига улуш қўшганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда (2.2.4-жадвал).

Таҳлилларга кўра, ташқи иқтисодий фаолиятда кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳам ўз ўрни бор. 2016 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари 46,7 фоиз миқдорида маҳсулот (хизмат)ларни импорт қилган ҳамда улар ишлаб чиқарган маҳсулот (хизмат)ларни 26,5 фоиз миқдорида экспорт қилган. Кичик бизнеснинг 2016 йилда 2000 йилга нисбатан импорт ҳажми эса 19,8 фоизли пунктга, экспорт ҳажми эса қарийб 17,5 фоизли пунктга ошган.

2.2.4-жадвал

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт ҳажмидаги улуши, %

| Кўрсат-кичлар/ Йиллар | Йиллар | | | | | | | | | | | | | | | |
|--|--------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
| Экспорт | 9,0 | 7,5 | 6,9 | 7,3 | 6,0 | 10,7 | 14,8 | 12,3 | 14,6 | 13,6 | 18,8 | 15,7 | 18,0 | 26,0 | 27,0 | 26,5 |
| Импорт | 26,9 | 24,9 | 33,0 | 32,7 | 33,7 | 34,5 | 33,3 | 38,5 | 42,5 | 36,6 | 37,4 | 37,6 | 40,6 | 45,3 | 44,5 | 46,7 |
| Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи КТ субъектлари сони, минг бирликида | 2,5 | 2,7 | 3,2 | 3,8 | 3,9 | 3,8 | 4,7 | 5,1 | 5,2 | 5,0 | 6,0 | 6,1 | 6,2 | 6,2 | 6,2 | 6,1 |

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Республика бўйича 2000 йилда 2,8 мингта кичик бизнес корхонаси ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 6,1 мингтани ташкил этган. Ёки фаолият билан банд кичик бизнес вакилларининг сони шу даврда 3,6 мингтага ёки қарийб 2,2 мартаға кўпайган. 2016 йил қурилиш соҳасидаги хусусий тадбиркорлик фаолиятида эришилган кўрсаткичлар жиҳатидан муҳим бўлди.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик корхоналари ва уларда банд бўлган ишчилар сони ўсиши, энг аввало, давлат ижтимоий, инвестиция ва тармоқлараро дастурларини, шунингдек, улар ҳиссасига бажарилган ишларнинг асосий ҳажми тўғри келувчи маҳаллийлаштириш, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, уй-жой қуриш, ижтимоий соҳа обьектлари, йўлларни реконструкция қилиш ва бошқа ишлаб чиқариш обьектлари бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг тармоқ ва ҳудудий таркибининг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу соҳада ижобий натижаларга эришилган. Бу мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, айниқса, ЯИМ ўсишининг юқори суръатлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда кичик бизнеснинг саноат, қурилиш, транспорт соҳаларида барқарор ривожланиш кузатимоқда. Шунинг учун ҳам иқтисоднинг бу муҳим соҳаларида кичик корхоналар ривожланиши учун янада зарурӣ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳимдир.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш қуйидаги тенденцияларни ажратиб кўрсатиш имконини берди:

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ривожланишида тўртта босқични кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич 1991 йилдан 1995 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, кичик ва ўрта корхоналар ҳамда унда банд бўлганлар сонининг юқори суръатларда ривожланиши билан тавсифланади. Бундай тенденциянинг шаклланиши эса ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Мазкур босқичда кичик корхоналар сони 4,5 марта, унда банд бўлганлар сони 2 марта ўсади.

Иккинчи босқич 1996 йилдан 1999 йилгача бўлган даврни камраб олиб, унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу даврда кичик корхоналар ривожланиши бир мунча секинлашди.

Бу ҳолат, аввало, давлат инвестиция фаолиятининг ошиши, воситачилик операциялари даромадлари камайиши каби омиллар билан боғлиқ. Бу даврда кичик корхоналар сони 40 фоизга, унда банд бўлганлар сони 41 фоизга қисқарди.

Учинчи босқич 1999 йилда бошланган бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати иқтисодиётни янада либераллаштириш ғоясининг илгари сурилганлиги билан боғлиқ. Бу даврда кичик корхоналар сони 26 фоизга, унда банд бўлганлар сони 16,6 фоизга ошди;

Тўртинчи босқич 2003 йилдан бошланиб, бунда даставвал ўрта бизнес тоифаси бекор қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2016 йилда 56,9 фоизга етди. Ҳолбуки, 2002 йилда бу кўрсаткич 34,6 фоизни ташкил этган эди.

2.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг минтақавий жиҳатлари

Мамлакатимиз минтақаларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри ва вилоятлар) мавжуд моддий, молијавий ва меҳнат ресурсларидан мақсаддага мувофиқ ва самарали фойдаланиш амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мувафаққиятини таъминловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Минтақавий омиллар иқтисодий ислоҳотлар характери ва йўналишига, ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиш суръатлари ва нисбатларига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Маълумки, республикамиз минтақаларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси уларнинг географик жойлашви, табиий-иктисодий ресурслар билан таъминланганлиги, меҳнат ресурсларининг билим ва малакалари каби омиллар таъсирида бир-биридан фарқ қиласади. Шу сабабли минтақалар ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш,

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ҳар бир минтақа ахолисини муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминлаш иқтисодий ислоҳотлар олдида турган энг асосий вазифалардан бири хисобланади.

Мустақиллик йилларида бу соҳада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича республика ва худудий мақсадли дастурлари (кичик бизенс ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларида бандлик, энергетика мустақиллигини таъминлаш ва бошқалар) ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи – эркинлаштириш шароитида давлатнинг бир қатор ваколатли вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш, иқтисодий ислоҳотларда минтақаларнинг роли ва фаоллигини ошириш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан баҳолаганда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим бўғинига айланди. Йилдан-йилга ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан юксалиб, юртимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини янада кўтаришга ўз хиссасини қўшмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2012 йилда 54,6 фоиз, 2013 йил якуни бўйича 55,8 фоизни, 2016 йилда 56,9 фоизни ташкил этди.¹ Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 10179 минг нафари ёки 78,2 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги, бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2.3.1-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони динамикаси, минг бирлиқда

| Ҳудудлар | Йиллар | | | | | | 2015 йил 2011 йилга нисбатан, % |
|--------------------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|---------------------------------------|
| | 2005 | 2008 | 2011* | 2013* | 2014* | 2015* | |
| Қорақалпоғистон Р. | 14,2 | 16,9 | 9,8 | 10,2 | 10,6 | 10,6 | 8,1 |
| Андижон | 16,0 | 31,2 | 19,8 | 21,4 | 22,8 | 23,8 | 20,2 |
| Бухоро | 20,2 | 28,0 | 11,9 | 11,9 | 12,4 | 12,6 | 5,8 |
| Жиззах | 15,7 | 18,5 | 7,2 | 8,2 | 8,6 | 9,2 | 27,8 |
| Қашқадарё | 54,5 | 69,4 | 44,5 | 20,4 | 17,5 | 15,9 | 35,7 |
| Навоий | 9,5 | 12,2 | 6,2 | 6,6 | 6,8 | 7,0 | 12,9 |
| Наманган | 14,0 | 22,5 | 11,3 | 14,5 | 15,1 | 15,7 | 38,9 |
| Самарқанд | 20,9 | 35,9 | 13,1 | 14,2 | 15,1 | 15,4 | 17,6 |
| Сурхондарё | 14,0 | 25,1 | 9,3 | 10,7 | 11,3 | 10,3 | 10,8 |
| Сирдарё | 10,5 | 13,1 | 5,9 | 6,8 | 7,1 | 7,3 | 23,7 |
| Тошкент | 18,2 | 32,3 | 18,1 | 20,0 | 21,7 | 23,1 | 27,6 |
| Фарғона | 23,0 | 39,3 | 17,7 | 17,9 | 18,1 | 18,8 | 6,2 |
| Хоразм | 18,7 | 25,1 | 9,8 | 10,3 | 10,8 | 10,7 | 9,2 |
| Тошкент ш. | 19,1 | 29,2 | 34,3 | 40,5 | 43,2 | 45,5 | 32,7 |
| Республика бўйича | 268,6 | 398,6 | 218,9 | 213,6 | 221,1 | 225,9 | 3,2 |

М а н б а: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

* 2011–2014 йил маълумотлари фермер хўжаликлар сонисиз кўрсатилган.

Таҳлилларга кўра, айрим вилоятларда фаолият юритаётган кичик корхоналар сони кескин кўпайди.

Хусусан, 2011-2015 йиллар оралиғида кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) Қорақалпоғистонда ўсиш суръяти 8,1 фоиз, Андижон вилоятида 20,2 фоиз, Сурхондарё вилоятида 10,8 фоизни, Наманган ва Самарқанд вилоятларида мос равишда 38,9 ва 17,6 фоизни, Сирдарё вилоятида 23,7 фоизни, Тошкент вилоятида 27,6 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш керакки, шу даврда республика бўйича бу кўрсаткич 3,2 фоизга тенг бўлди (2.3.1-жадвал).

2.3.2-жадвал

**Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларида банд
бўлганлар сони, минг киши**

| Минтақалар | Йиллар | | | | | | 2015 йил 2005 йилга нисбатан, % |
|--------------------|--------|--------|--------|--------|--------|---------|---------------------------------------|
| | 2005 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | |
| Республика бўйича | 6679,0 | 8913,5 | 9253,4 | 9604,0 | 9950,8 | 10170,4 | 152,3 |
| Қорақалпоғистон Р. | 354,5 | 447,6 | 459,4 | 450,2 | 464,2 | 469,4 | 132,4 |
| Андижон | 617,7 | 985,5 | 985,3 | 1008,2 | 1042,0 | 1066,3 | 172,6 |
| Бухоро | 440,0 | 570,6 | 598,8 | 642,6 | 648,5 | 647,2 | 147,1 |
| Жizzах | 246,9 | 392,5 | 402,4 | 336,1 | 348,8 | 360,8 | 146,1 |
| Қашқадарё | 554,0 | 795,1 | 724,5 | 835,7 | 872,6 | 910,0 | 164,3 |
| Навоий | 192,5 | 309,8 | 359,2 | 249,1 | 253,1 | 254,0 | 131,9 |
| Наманган | 452,5 | 609,1 | 636,8 | 738,6 | 778,0 | 806,9 | 178,3 |
| Самарқанд | 751,6 | 939,8 | 952,7 | 1129,2 | 1174,3 | 1213,9 | 161,5 |
| Сурхондарё | 406,7 | 569,4 | 607,5 | 688,2 | 720,6 | 747,3 | 183,7 |
| Сирдарё | 207,1 | 298,3 | 304,9 | 270,5 | 277,5 | 278,6 | 134,5 |
| Тошкент | 644,2 | 809,2 | 833,3 | 938,0 | 971,1 | 984,6 | 152,8 |
| Фарғона | 819,9 | 1018,5 | 1056,7 | 1129,2 | 1170,6 | 1192,5 | 145,4 |
| Хоразм | 356,4 | 460,5 | 472,3 | 518,7 | 557,2 | 573,3 | 160,9 |
| Тошкент ш. | 635,0 | 707,7 | 809,4 | 669,9 | 672,3 | 665,6 | 104,8 |

Ма н ба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (фермер хўжаликларисиз) энг кўп Қашқадарё (15,8 мингта) ёки умумий сонидан 7,0 %, Тошкент шаҳри (45,5 мингта ёки 20,1 %), Андижон (23,8 мингта ёки 10,6 %) ва Фарғона (18,8 мингта ёки 8,3 %) вилоятларда тўғри келади. Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Сирдарё (7,2 мингта) ва Навоий (7,0 мингта) ва Жizzах (9,2 мингта) вилоятларида кичик тадбиркорлик соҳаси суст ривожланмоқда ва уларнинг умумий сонига нисбатан мос равишда 3,2 %; 3,1 %; 4,1 %ни ташкил этади.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиши билан уларда ишлайдиган ишчилар сони ҳам кўпаймоқда.

2016 йилда республикамизда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларида 10179,0 минг киши банд бўлган, ваҳоланки 2005 йилда бу кўрсаткич 6679,0 минг кишини, яъни шу даврда ушбу соҳада банд бўлганлар сони 3500 минг кишига ошган. Ушбу соҳада бандлар сони 2015 йилда 2005 йилга нисбатан ўсишининг энг юқори кўрсаткичи Андижон (72,6 %), Наманган (78,3 %), Сурхондарё (83,7 %), Тошкент (52,8 %) ва Хоразм (60,9 %) вилоятларида кузатилди (2.3.2-жадвал).

2.3.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши, %

| Минтақалар | Йиллар | | | | | | |
|--------------------|--------|------|------|------|------|------|------|
| | 2005 | 2010 | 2011 | 2012 | 2014 | 2015 | 2016 |
| Республика бўйича | 38,2 | 52,5 | 54,0 | 54,6 | 56,1 | 56,5 | 56,9 |
| Қорақалпоғистон Р. | 45,1 | 63,6 | 66,0 | 66,4 | 64,5 | 64,6 | 57,0 |
| Андижон | 35,8 | 54,7 | 56,3 | 57,4 | 59,4 | 61,4 | 66,0 |
| Бухоро | 40,7 | 64,1 | 65,7 | 65,7 | 67,0 | 67,5 | 67,9 |
| Жizzах | 58,4 | 77,3 | 79,8 | 79,9 | 79,9 | 80,1 | 80,3 |
| Қашқадарё | 34,9 | 55,0 | 56,2 | 52,4 | 51,5 | 51,6 | 51,7 |
| Навоий | 18,5 | 34,4 | 35,6 | 36,9 | 36,9 | 37,1 | 37,6 |
| Наманган | 45,2 | 76,0 | 78,7 | 79,0 | 79,7 | 80,2 | 80,3 |
| Самарқанд | 49,9 | 73,6 | 76,2 | 76,3 | 77,4 | 77,9 | 78,0 |
| Сурхондарё | 42,8 | 71,7 | 73,8 | 74,2 | 74,5 | 75,2 | 75,3 |
| Сирдарё | 59,8 | 77,4 | 79,8 | 80,0 | 67,7 | 68,5 | 68,7 |
| Тошкент | 32,3 | 54,7 | 57,2 | 56,7 | 56,2 | 56,7 | 57,1 |
| Фарғона | 40,8 | 59,5 | 61,2 | 61,8 | 62,1 | 63,2 | 63,4 |
| Хоразм | 47,1 | 71,8 | 74,1 | 73,8 | 73,9 | 74,1 | 74,2 |
| Тошкент ш. | 46,4 | 49,9 | 53,1 | 53,6 | 55,9 | 57,0 | 58,9 |

Ма н ба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Айрим вилоятларда хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯҲМдаги улуши ўртача республика ЯИМдаги улушкидан юқори бўлган. 2016 йил охирида Жizzах, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида айнан кичик

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

бизнес субъектлари томонидан 75 % ва ундан ортиқ ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқарилган (2.3.3-жадвал).

Шу билан бирга, Навоий вилоятида хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯҲМдаги улуши камлигича сақланиб қолмоқда (37,6 %). Бу вилоятда бошқа ҳудудларга нисбатан аҳоли сони камлиги ва саноат соҳалари ривожланганлиги билан тавсифланади.

Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, республикамизда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши умумий рўйхатга олингандардаги салмоғи нисбатан ўсиб бормоқда. Мисол тариқасида, 2016 йилда умумий рўйхатга олинган корхоналардан 91,6 % фаолият юритган, ваҳоланки 2003 йилда бу кўрсаткич 81,6 %га тенг эди. Республикада 2016 йилда ҳар 1000 кишига фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарининг сони 13,8 тани ташкил этган. Шу билан бирга рўйхатдан ўтказиш ва ундан кейин фаолият юритмаётган корхоналар сони ҳали ҳам кўплиги бу йўналишларда муаммолар ва ечилмаган масалалар борлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг минтақавий жиҳатларини таҳлил қилиш қуидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади:

- минтақалар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши даражаси ўртасидаги тафовутларни қисқартириш;
- минтақалар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш эвазига аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутларни қисқартириш ва уларга барҳам беришга кўмаклашиш;
- минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

- минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган кишиларнинг малакасини ошириш ва бошқалар.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун қуидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иқтисодий жиҳатдан нисбатан паст ривожланган қишлоқ аҳоли пунктларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ ва бошқа имтиёзларни жорий этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида экспортдаги улушкини ошириш мақсадида, улар томонидан ишлаб чиқарилган товарларни ташки бозорларда фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантириш чораларини кўриш;
- бозор инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда йирик шаҳарларда фаолият юритувчи бозор инфратузилмаси субъектларининг филиалларини ташкил этишни рағбатлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини ошириш мақсадида, бизнес-мактаблар, касбий маҳорат тренинглар тармогини кенгайтириш, шунингдек, ривожланган давлатлар тадбиркорлари билан online алоқаларни йўлга кўйиш;
- кичик корхоналарнинг хомашё, асбоб-ускуна, технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳоказо.

III БОБ.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг институционал муаммолари

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва реструктуризациялаш ҳамда нодавлат юридик шахсларининг пайлари, фуқароларнинг шахсий жамғармалари ёки хорижий инвесторлар маблаглари ҳисобидан янги корхоналар ташкил этиш йўли билан барпо этилади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиши, аввало, қонунчилик соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу билан бирга ушбу секторнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам мавжуд.

Кўплаб тадбиркорлар ва кичик бизнес корхоналарини рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш билан боғлиқ муаммолар тўла ҳал этилмаганлигини таъкидлайдилар. Гарчи кейинги йилларда кичик бизнес корхоналарини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш соҳасида сезиларли ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, айрим бюрократик тўсиқлар мазкур сектор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартибини белгилаш маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига киради. Фикримизча, рўйхатдан ўтказишнинг ягона тартибини қонуний тарзда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у мазкур соҳадаги ноаниқликларга барҳам беради.

Шу боисдан ҳам, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини тубдан такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида бевосита мулоқот қилмайдиган шаклларидан фойдаланишни жадал рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2646-сонли Қарори ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат ҳисобига қўйиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2486-сонли қарорини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли Ҳукумат қарори қабул қилинди. Уларга кўра, тадбиркорлик субъектларини – юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишнинг мутлақо янги тартиби ўрнатилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси тасдиқланиб, ушбу чора-тадбирларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматглаштирилган тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгиланди, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Давлат интерактив хизматлари ягона порталига интеграциялашган Интернет тармоғидаги Тизим орқали кечаю-кундуз ўтказиш ва ҳисобга қўйиш жорий этилди.

Бунда, 2017 йилнинг апрель ойидан бошлаб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш механизмини батафсил ёритиб берувчи ягона ҳужжатни тасдиқлаш йўли билан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиботини тартибга солувчи 62 та меъёрий-хукукий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилди.

Февраль ойидан бошлаб «ягона дарча» марказлари барча тадбиркорлик субъектлари учун ягона рўйхатдан ўтказувчи орган этиб белгиланди, банклар ва кредит бюоролари бундан мустасно. Давлат статистика қўмитасининг фирма номини захира қилиб қўйишга доир, Давлат солиқ қўмитасининг тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирувчи якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишга доир, шунингдек Адлия вазирлигининг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондлари, бозорлар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир функциялари 194 та «ягона дарча» марказларига топширилди.

2017 йилнинг апрел ойидан бошлаб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш реал вақт режимида ариза юборилган пайтдан эътиборан 30 дақиқа давомида амалга оширилмоқда, қуйидаги икки ҳолат бундан мустасно – рўйхатдан ўтказилиши 16 иш соати давомида амалга ошириладиган устав фондининг оширилиши ва таъсисчиларнинг улушлари (хиссалари) бошқа шахсга ўтиши.

Бизнесни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек қайта рўйхатдан ўтказишга аризани қуйидаги усуслардан бири орқали топшириш мумкин – my.gov.uzга интеграция қилинган, 24/7 режимида ишловчи автоматлаштирилган рўйхатдан ўтказиш тизими орқали, ёки аризачида Интернетдан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда – рўйхатдан ўтказиш жойидаги Республиканинг барча туманлари ва шаҳарларида душанбадан жумагача, 9:00 дан 18:00 гача дам олишсиз ишлайдиган «ягона дарча» марказларига мурожаат қилган ҳолда.

Юридик шахсни (тижорат ташкилотини) рўйхатдан ўтказиша тақдим этилаётган хужжатлар сони 6 тадан 2 тагача қисқартирилди, яъни фақатгина ариза ва таъсис ҳужжатлари талаб этилади (шунингдек топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси тақдим этилиши лозим бўлган қўшиб юбориш, бўлиш

ҳамда ажратиб чиқариш ҳолатлари бундан мустасно), якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) учун зарур бўлган ҳужжатлар сони 7 тадан 1 тагача кисқартирилди, яъни факатгина ариза тақдим этиш талаб этилади.

Ягона портал – my.gov.uz орқали автоматлаштирилган тизим воситасида рўйхатдан ўтказиш тартиботи ҳозир бўлган тартибда мурожаат қилишга нисбатан бир қатор устунликларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Хусусан, биринчидан рўйхатдан ўтказувчи органга қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш зарурати бўлмайди, бу эса аризачиларни рўйхатдан ўтказувчи органга, шунингдек рўйхатдан ўтказишга давлат божларини тўлаш учун банк кассаларига шахсан бориши мажбуриятидан озод этади, натижада аризачининг билвосита харажатлари қисқаради, иккинчидан ҳужжатлар Интернет орқали топширилганда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божлари ставкалари ҳозир бўлиш тартибда мурожаат қилиш ҳолатига нисбатан икки баробар паст қилиб белгиланган, учинчидан бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни топширишни аризачига қулай исталган вақтда бошлаш, тўхтатиш ёки расмийлаштиришни қайтадан давом эттириш мумкин.

Куйидаги муҳим қулайлик мавжуд – рўйхатдан ўтказишга сўровнома танланаётган фирма номини автоматик тарзда текширишни инобатга олган ҳолда аризачи томонидан маълумотларни асосан очиладиган менюдан танлаш йўли билан онлайн тўлдирилади, бу эса ноаниқликларни бартараф этади, тақдим этилаётган маълумотларни стандартлаштиради ва уларни қайта ишлашни соддалаштиради. Шунингдек, бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан имзолаш талаб этилмайди, бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ягона порталда унда кўрсатилган усувлардан бири орқали масофадан рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади. Аризачиларнинг хохишига кўра, автоматлаштирилган тизим аризада

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

кўрсатилган маълумотлардан келиб чиқиб шакллантирадиган, таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларидан фойдаланиш ёки аризага сканер қилинган таъсис ҳужжатларини илова қилиш мумкин. Илк маротаба давлат божларини республикада фаолият юритиб турган электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш мумкин бўлди, бунда аризачидан белгиланган давлат божи ставкасининг 1 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар (**ЯТТ**) ўз фаолиятларини вақтингчалик тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш тўғрисидаги аризани автоматлаштирилган тизим орқали топширишлари мумкин бўлди, бу эса **ЯТТ**нинг солиқлар тўламаслиқ билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларини соддалаштириш ва пасайтиришга ёрдам беради. Тадбиркорлик субъекти барча тегишли ваколатли давлат (лицензияловчи ва ҳоказо) органларини унинг манзили (жойлашган жойи, яшаш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида автоматлаштирилган тизим воситасида бир вақтнинг ўзида хабардор қила олади, бу эса давлат органларига алоҳида хабарномалар жўнатишга зарурат қолдирмайди. Шунингдек, қайта ташкил этиш тўғрисидаги ахборотни босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади, бунда ахборотни кредиторлар танишиб чиқишлари учун Ягона порталда элон қилиш етарли бўлади, бу эса тадбиркорлар харажатларини камайтиради.

Бизнесни рўйхатдан ўтказиши рад этишга оид асосларнинг батафсил рўйхати белгиланган. Демак, рўйхатдан ўтказиш учун сўровнома тўлдирилаётганда кўрсатилган маълумотлар автоматлаштирилган тизимнинг тегишли маълумотлар базалари бўйича автоматик тарзда текширилади.

Юридик шахсни ва **ЯТТ**ни давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек уларнинг нусхларини маҳсус бланкларда қоғоз кўринишида бериш амалиёти бекор қилинди, бу эса рўйхатдан ўтказувчи органларнинг уларни тайёрлаш учун кетадиган йиллик харажатларини қисқартиради.

Тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва таъсис ҳужжатларини исталган вақтда ҳамда исталган нусхада нашр қилиб олишлари мумкин. Шу тарзда, давлат органлари Ягона порталдаги Электрон ҳужжатларнинг репозиторийси орқали қайта ташкил этиш тўғрисидаги гувоҳномадан фойдаланиш (шу жумладан, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар беришда, банк ҳисоб рақами очишида ва бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатишида), шунингдек автоматлаштирилган тизим воситасида, тадбиркорлардан талаб қилиб олмасдан таъсис ҳужжатларидан фойдаланишга тадбиркорлардан рухсат олишларига имкон берувчи механизм йўлга кўйилди. Автоматлаштирилган тизимда мавжуд, бизнесни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча электрон ҳужжатлар, шунингдек сканер қилинган ҳужжатларга гиперҳаволалар, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш кулайлигини инобатга олган ҳолда электрон ҳужжатларнинг репозиторийсида сақланади.

Тадбиркорлик субъектига Тизим имкониятларидан фойдалangan ҳолда унга тааллуқли бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар давлат органлари томонидан сўралган ҳолатлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи берилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъекти эркин фойдаланиши тақиқланган ахборот бундан мустасно.

Юритилиши марказлаштирилган тарзда электрон кўринишда амалга ошириладиган Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрида (ТСЯДР) мавжуд долзарб маълумотларнинг шаффоғлигини ва улардан эркин фойдаланиш имконини ошириш ўта муҳимдир. Ягона порталга жойлаштириладиган ва улар ўзгариши биланоқ ҳар соатда янгиланиб бориладиган маълумотларнинг энг кам ҳажми белгиланди. Демак, юридик шахслар тўғрисидаги қўйидаги ахборотдан оммавий фойдаланиш мумкин бўлди: номи, СТИР, мақоми (фаолият юритаётган, туғатилиш жараёнида, фаолиятини тўхтатган), ташкилий-ҳуқуқий

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

шакли, мулкчилик шакли, устав фондининг микдори, қимматли қоғозлари тўғрисидаги ахборот, манзили ва бошқалар; ЯТГлар қисмida эса: исми, фамилияси, СТИР, амалга оширилаётган фаолият тури, жинси ва бошқалар.

Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўртасидаги фарқланишларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг нисбатан устунлигини аниқлаш қоидалари белгиланган. Демак, таъсис ҳужжатларида маълумотлар бир биридан фарқ қилганида, рўйхатдан ўтказувчи органда сақланаётган ҳужжатлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. ТСЯДРдаги таъсис ҳужжатлари ва ёзувлардаги маълумотлар бир биридан фарқ қилганида, ТСЯДРдаги ёзувлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. ТСЯДРдаги ва 2017 йилнинг 1 апрелига қадар юритилган реестрлардаги ёзувлар бир биридан фарқ қилганида, ТСЯДРдаги ёзувлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўртасидаги фарқланишлар таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ёки қўшимчаларни киритиш йўли билан тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, рўйхатдан ўтказувчи ва ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорлик, маълумотлар алмашиш, уларни солишириш ҳамда бошка масалалар алоҳида ҳужжатга ажратилган, бу эса ҳам тегишли давлат органлари ходимлари учун, ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун (тадбиркорларга тааллуқли бўлмаган ички тартиботларни ўрганиб чиқиш заруратини истисно қилгани холда) қўшимча қулайликлар беради.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида назарда тутилган, бизнесни рўйхатдан ўтказиш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш давлат хизматининг – «бизнесни рўйхатдан ўтказиш»нинг шаффоғлиги ва сифатини сезиларли даражада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистонни 2017–2021

йилларда ривожлантиришга доир харакатлар стратегиясида мамлакатнинг Жаҳон банки «Doing Business» тадқиқотларидаги давлат ҳалқаро рейтингини оширишни таъминлашга оид вазифа қўйилган. Демак, «Ўзбекистон Бизнес-форуми» қўшма лойиҳаси эксперtlари баҳолашига кўра, корхоналарни рўйхатдан ўтказишнинг янги механизми Жаҳон банкининг навбатдаги «Doing Business-2018» тадқиқотларида «бизнесни рўйхатдан ўтказиш» мезонига ижобий таъсир этади.

Жаҳон банки услугиятига мувофиқ, бизнесни рўйхатдан ўтказиш янги тартибга кўра иккита жараёнда (биринчиси – барча рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиботларини автоматлаштириш билан реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиш, иккинчиси – тақдим этиладиган қоғоз хужжатларни камайтириш билан банк ҳисоб рақамини очиш) амалга оширилади. Бизнес юритишни бошлаш билан боғлиқ бўлган барча расмиятчиликларни инобатга олган ҳолда корхонани очиш жараёни (ушбу вақтга фирма номини захирага олиб қўйиш, рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаш, давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказилган таъсис хужжатларини олиш, муҳрни тайёрлаш, солиқ органларида, статистика органларида ҳамда Халқ банкида ҳисобга қўйиш, шунингдек банкда ҳисоб рақамини очиш киради) бир кундан кам вақтни талаб қиласди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш кўплаб мамлакатларда, айниқса, бозор муносабатига ўтаётган мамлакатларда долзарб муаммолардан ҳисобланади, чунки етарли микдорда пул маблағларига эга бўлиш нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асоси, балки уларнинг бозор шароитида яшовчанлигини таъминловчи мухим шарт ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу ўринда республикамизда кичик

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг қонуний асослари яратилганлигини таъкидлаш лозим.

Кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий алоқаларда ҳам фаол иштирок эта бошладилар. Уларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, кичик корхоналар ва микро фирмаларга замонавий, чет эл бозорларида ракобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли химоя қилишни таъминлаш мақсадида, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Унинг республика минтақаларида ҳудудий филиаллари мавжуд бўлиб, Жамғарма маблағларининг бошланғич микдори 5,0 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материаллари, кийим-кечаклар каби кенг турдаги товарларни ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарининг товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан кўмаклашмоқда.

Мазкур жамғарма 2017 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича 627 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий қиймати 642 миллион АҚШ долларига teng экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 280 тадбиркор 270 миллион долларлик маҳсулотларини экспорт қилди. Жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 8 фоизга кўпайди.

2017 йилнинг биринчи чорагида ушбу жамғарма томонидан элликдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига Германия, Россия ва Қозоғистонда бўлиб ўтган ҳалқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишда ёрдам кўрсатилди. Бу тадбирларда 117,8 миллион долларлик экспорт келишувлари имзоланди. Улар доирасида қарийб 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. 2017 йил январь ойида Берлинда бўлиб ўтган «Яшил ҳафта – 2017» ҳалқаро кўргазмасида жамғарма юздан ортиқ тадбиркорнинг тижорат таклифлари билан иштирок этган ҳолда жами 16,8 миллион долларлик экспорт шартномаларини имзолашда кўмаклашди. Москвада 2017 йил февраль ойида ўтказилган «Продэкспо – 2017» озиқ-овқат маҳсулотлари ҳалқаро кўргазмасида 75 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида 2017 йил 22–23 март кунлари ташкил этилган Ўзбекистон миллион саноат кўргазмасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-куватлаш жамғармаси томонидан юздан ортиқ тадбиркор маҳсулотлари намойиши ўтказилди. Кўргазма якуни бўйича Қозоғистон бозорига тўқимачилиқ, мева-сабзавот, озиқ-овқат, мебель ва курилиш материалларини етказиб бериш бўйича қиймати 24,4 миллион долларлик 18 экспорт келишуви имзоланди.¹

Бир сўз билан айтганда, жамғарма тадбиркорларни ташки бозор хатарларидан ишончли ҳимоялаш, маҳсулот турларини таҳлил этиш, уларнинг ташки бозордаги рақобатбардошлиқ даражасини аниқлаш ва ошириш, хориждан ишончли ҳамкорлар топиш ва бошқа хизматларни кўрсатишга камарбастадир.

Ҳозирги вақтда, жумладан Самарқанд вилояти тадбиркорлик тузилмаларининг ҳудудий экспорт ҳажмидаги улуши 83,7 %га этган. Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятларида ҳам чет элларга чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг ярмидан кўпроғи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

¹ Ўзбекистон экспорт салоҳияти юксалмоқда (<http://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=754>)

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Бироқ Қоракалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида кичик бизнес тузилмалари экспорт салоҳиятини ошириш талаб килинади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз рейтингининг «Бизнесни юритиш» ҳисоботида изчил яхшиланиб бориши амалга оширилаётган инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги билан баҳолаш мумкин. Яъни, Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, БМТ Тараққиёт Дастури каби етакчи халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл ҳукуматлари томонидан кенг эътироф этилмоқда.

2016 йилнинг 25 октябрида эълон қилинган Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш – 2017: бошқарув сифатини ва самарадорлигини баҳолаш» ҳисоботига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 190 давлати ичидаги 87-уринни эгаллаб, 2016 йилдаги мавқенини сақлаб қолди. Жаҳон банки эксперtlари ҳисоботнинг 10 индикаторидан 5 тасида Ўзбекистон позициясини яхшилаган.

Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини амалиётга жорий этиш ва «ягона дарча» тизимини янада тако-

3.1.1-жадвал

Бизнесни юритиш – 2017: Ўзбекистон позициясидаги ўзгаришлар¹

| Кўрсаткичлар | БЮ-2012 | БЮ-2017 | +/- |
|--------------------------------|------------|-----------|------------|
| Корхонани рўйхатдан ўтказиш | 96 | 25 | ▲71 |
| Электр тармоқларига уланиш | 172 | 83 | ▲89 |
| Кредитлаш | 158 | 44 | ▲114 |
| Инвесторлар ҳимояси | 136 | 70 | ▲66 |
| Шартномалар ижросини таъминлаш | 60 | 38 | ▲22 |
| Тўлов қобилиятини тиклаш | 117 | 77 | ▲40 |
| УМУМИЙ РЕЙТИНГ | 166 | 87 | ▲79 |

¹ Бизнесни юритиш –2017: бошқарув сифатини ва самарадорлигини баҳолаш» ҳисоботи.

миллаштириш туфайли корхонани рўйхатдан ўтказиш бўйича сезиларли ўсиш қайд этилди (25-ўрин, 17 поғонага ўсди).

Таъкидлаб ўтиш керакки, сўнгги йилларда бизнесни ташкил этиш тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш бўйича олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида бугун Ўзбекистонда одамлар ўз бизнесини очиш учун Швейцарияга нисбатан – 1,8 марта, Германияга нисбатан – 1,9 марта, Япония ва Россияяга нисбатан – 2 марта, Ироилга нисбатан – 2,2 марта, Греция ва Испанияга нисбатан – 2,3 марта, Ҳиндистонга нисбатан – 4,7 марта, Хитойга нисбатан – 5,5 марта ва Бразилияга нисбатан – 14,5 маротаба кам вақт сарфламоқда.

Рейтингдаги яна бир муҳим яхши кўрсаткич электр тармоғига уланиш йўналиши бўйича қайд этилди (83-ўрин, 29 поғона юқори), бу электр энергиясини етказиб бериш барқарорлигининг ўсиши ва электр энергиясига бўлган тарифларни шакллантиришнинг очик-ошкоралиги билан боғлиқдир.

Замонавий корпоратив бошқарув усусларини жорий этиш, акциядорлар хукуқлари ва ролини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар «Миноритар инвесторларни химоялаш» кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз рейтингининг сезиларли даражада яхшиланишига хисса қўшди (70-ўрин, 18 поғонага ўсиш). Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги ахборотларнинг ошкоралик даражасини ошириш ва акциядорлик капиталига эгалик қилиш тизимини янада такомиллаштириш орқали миноритар инвесторлар хукуқларини кучайтиришга қаратилган янги нормалар ва механизмлар жорий этилиши ушбу йўналишдаги рейтингнинг яхшиланишига хизмат қилди.

2016 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш ва тадбиркорларни жалб этмаган ҳолда ваколатли органлар ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш эвазига мулкни рўйхатга олиш бўйича мамлакатимиз рейтинги яхшиланди (75-ўрин, 12 поғона юқори).

Таъкидлаш жоизки, 2016 йил бошидан мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида «ягона дарча» марказлари фаолият бошлади. У ерда тадбиркорларни рўйхатга олиш, уларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, қурилишга рухсат бериш, турар жойни нотурар жойга қайта расмийлаштириш ва бошқа рухсатномаларни расмийлаштириш каби давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Ўтган давр мобайнида «ягона дарча» марказлари томонидан тадбиркорларга 76 мингдан ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Давлат хизматлари кўрсатишнинг «ягона дарча» тамойили жорий этилиши туфайли давлат органларига тадбиркорлик субъектларидан бошқа давлат ташкилотларига мавжуд бўлган ҳужжатлар ва ахборотни, шу жумладан, солик қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларини, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларини талаб қилиш ман этилди.

Танлов асосида ер участкаларини ажратишнинг янги механизми жорий этилиши ва қурилишга рухсат бериш соҳасидаги қонунчилик изчил такомиллаштириб борилиши бу йўналишда ҳам мамлакатимиз рейтингини янада яхшилаш имконини берди (147-ўрин, + 4 позиция).

Амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ер майдонларини ажратиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари сезиларли даражада соддалаштирилиб, уларнинг ошкоралиги ошди. Натижада Жаҳон банкининг охирги ҳисоботида Ўзбекистон 2015-2016 йилларда ер бошқарув сифатини оширган дунёдаги 17 мамлакат қаторига кирди.

Янги ҳисоботга мувофиқ, тадбиркорлар учун солик юки даражаси 38,1 фоизни ташкил этиб, бу АҚШ, Германия, Франция, Италия, Австрия, Чехия, Испания, Греция, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва шу каби қатор мамлакатлар кўрсаткичидан анча пастир.

Ўзбекистон корхонани рўйхатдан ўтказиш (25-ўрин), шартномалар ижросини таъминлаш (38), кредитлаш тизими (44), миноритар инвесторларни ҳимоялаш (70), мулкни рўйхатдан ўтказиш (75) ва электр тармоқларига уланиш (83) йўналишлари бўйича дунёнинг дастлабки 100 мамлакати қаторидан жой олди.

«Бизнесни юритиши – 2017: бошқарувнинг сифати ва самадорлигини баҳолаш» ҳисоботи Жаҳон банки гуруҳи йиллик нашрининг 14-сони ҳисобланиб, унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги тартибга солиш нормалари баҳолаб борилади.

Тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш бўйича жаҳон рейтингини Янги Зеландия бошқармоқда. Шунингдек, энг кучли бешталиқдан Сингапур, Дания, Гонконг (Хитой) ва Корея Республикаси жой олган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, унинг инвестицион жозибадорлиги ва халқаро рейтингини ошириш бўйича бошланган ислоҳотлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, хукуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва хукуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Мазкур фармон билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурида Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиши» ҳисоботида Ўзбекистон рейтингини келгусида ҳам ошириб

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

бориши имконини берувчи бизнес юритиш шарт-шароитларини янада соддалаштириш ва арzonлаштириш, рухсат бериш тартибларидан ўтиш тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматлари кўrsatiшнинг очиқлигини оширишга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар назарда тутилган.

Юқорида қайд этилган ижобий ўзгаришларга қарамасдан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжлари тўла кондирилмаяпти. Бунга эса қуидаги омиллар салбий таъсир кўrsатмоқда:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ажратиладиган кредитлар учун кафолат ва гаров мажбуриятларини олишдаги мураккабликлар;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларида бозор психологиясининг шаклланмаганлиги ва билим-малака даражаси етарли эмаслиги ҳамда бунинг оқибатида кредит ресурсларидан самарали фойдаланмаслик ҳолатлари вужудга келиши;
- кредит олиш учун асос вазифасини бажарувчи бизнес-режа ва лойиҳалар сифати пастлиги;
- қарз олувчининг хоҳишига кўра микрокредит бўйича ажратилган пулларнинг тўлиқ қисмини нақд олиш имконияти чекланганлиги;
- савдо-воситачилик фаолияти учун микрокредит берилиши чекланганлиги ва ҳоказо.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши кўп жиҳатдан унга хизмат кўrsатувчи бозор инфратузилмаси тармоқларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Бироқ Ўзбекистонда моддий-техника ресурсларининг улгуржи ва ча-кана савдоси, лизинг, консалтинг, инжинииринг ва бошқа турдаги хизматлар кўrsatiш бўйича ўзаро рақобат асосида фаолият юритаётган турли мулк шаклидаги кўплаб корхоналарнинг мавжуд эмаслиги мазкур сектор ривожланишига салбий таъсир кўrsатмоқда. Давлатнинг квоталар ўрнатиш, рентабелликнинг юқори даражасини белгилаш, кўп ҳолларда эса давлат харид

нархларини ўрнатиш йўли билан кўплаб турдаги ресурсларни тақсимлаш ва уларнинг баҳосини шакллантириш жараёнига аралашуви давом этмоқда.

Республикада ташкил этилган уюшмалар аксарият ҳолларда ресурсларни (молиявий, моддий ва валюта) тақсимлаш вазифасини бажармоқда. Бунинг натижасида эса ушбу уюшмага кирмайдиган кичик корхоналар қийин аҳволга тушиб қолмоқда.

Моддий-хомашё ресурсларини сотиб олиш билан бир қаторда кичик корхоналар ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишда ҳам қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ускуналар сотиб олиш, айниқса, янги иш бошлаётган тадбиркорлар учун молиявий қийинчиликлар туфайли анча мураккаб масала ҳисобланади. Лизинг эса хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар шакли сифатида етарли даражада ривож топмаяпти. Бунга бир томондан, лизинг нархларининг юқорилиги сабаб бўлса, иккинчи томондан, унга инфляция салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товарларни сотиш соҳасида ҳам муаммолар мавжуд. Масалан, ўз ерида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарган ва банкда ҳисоб варағига эга бўлмаган дәхқон учун маҳсулотини нақдсиз пулга сотиш ноқулай ҳисобланади, чунки бундай ҳолатда пул қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ҳисоб варағига келиб тушади. Айни вақтда нақдсиз пулни нақд пулга айлантиришда чеклашлар мавжуд.

Республикамиизда кичик корхоналарнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллардан яна бири ушбу корхоналарнинг давлат буюртмаларини бажаришга суст қатнашаётганлиги билан боғлиқ. Ҳозирги кунда давлат буюртмалари танлов (тендер) асосида корхоналарга тақсимлаб берилмоқда. Бундан ташқари йирик корхона ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан ҳам танловлар эълон қилинмоқда. Бу танловлар тадбиркорлар учун потенциал даромад манбалари ҳисобланади. Айни вақтда мазкур танловларга қатнашиш кичик

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

тадбиркорлар учун таваккалчиликни талаб қиласи. Гап шундаки, давлат ёки йирик корхоналар томонидан эълон қилинган танловларга қатнашиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун сезиларли бўлган танлов ҳужжатларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни тақозо этади.

Мамлакатимизда йирик ва кичик корхоналар ўртасидаги узок муддатли кооперацион алоқаларни ўзида акс эттирувчи франчайзинг муносабатлари ривожланиши ҳам талаб даражасида эмас.

Франчайзинг йирик ва кичик корхоналарнинг товарларни сотиш, хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперациялар бўйича шартнома муносабатлари тизимиdir. Бундай муносабатлар тизимида йирик корхоналар ўз ҳамкорларига савдо белгисидан, технологияларидан, маҳсус ускуналаридан, нау-хауларидан фойдаланиш имконини беради, шунингдек, ходимларни ўқитиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш соҳаларига ёрдам кўрсатади.

Бундай алоқалар йирик корхоналар учун ҳам, кичик корхоналар учун ҳам фойдалидир. Ўз ишини мустақил очаётган кичик корхоналарга нисбатан франчайзлар бир қатор афзалликларга эга:

- франчайзлар бозорда тайёр ўринга эга бўладилар ва бу ҳолат ўз ишларини кисқа муддатларда йўлга қўйишига имкон беради;
- франчайзерлар томонидан тақдим этилган йўриқномада материаллар, хомашё, ускуналар, мол етказиб берувчилар, хизмат кўрсатиш тизими ва бошқалар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлади;
- турли миқёсдаги арzon реклама фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар;
- зарур ускуна ва материалларни имтиёзли шартларда сотиб олиш имкониятига эга бўладилар ва бошқалар.

Бундан ташқари, кичик корхоналар йирик корхоналарнинг бошқа хизматларидан ҳам фойдаланиши мумкин: франчайзер томонидан кичик корхона фаолияти мониторинги юритилиши, кичик корхона ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва

хоказо. Бу афзалліклар йирик корхона билан узқ муддатли коопераціон алоқалар юритаётган кичик корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширади.

Кичик корхона билан интеграциялашувдан йирик корхоналар ҳам наф күрадилар. Кичик корхоналарнинг афзаллік жи-хатларидан (янги шароитларга ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашувчанликнинг юқорилиғи, ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан пастлиғи ва бошқалар) фойдаланар экан, йирик корхоналар маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга қилинадиган жами харажатларни пасайтириш ҳамда рақобатбардошлиқ дара-жасини ошириш имкониятига эга бўладилар.

Йирик ва кичик корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши давлат учун ҳам фойдали, чунки у ижтимоий ма-салаларни (иш ўринларини яратиш, кишиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш) ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан яна бири тадбиркорларнинг етарли даражада билим ва бозор муносабатлари ша-роитида ишлаш кўнгилмаларига эга эмасликлари билан боғлиқ. Бу эса тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг кўп босқичли тизимини барпо этишни талаб қилади.

3.2. Иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ривожланишини прогноз қилиш шарт-шароитлари ва вариантлари

Маълумки, ҳар қандай демократик жамият қураётган давлат ўз олдига аниқ вазифаларни қўяди, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни, уни такомиллаштиришни, аҳоли турмуш даражасини яхшилашни вазифа қилиб, уни бажариш механизми ва бажарилиш муддатини белгилаб олади. Шу нуқтаи назардан ушбу вазифаларни бажарининг ташкилий механизмини режа-лаштириш зарур. Аввало, бу ишлаб чиқаришга таъсир кўрса-тиш, унга фан-техника ютиқларини жорий этиш, замонавий ва

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛANIШИ

мураккаб технологияларга ўтиш, меҳнатни ташкил қилиш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни режалаштириш билан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳар бир муаммо режалаштиришни, олиб борилаётган ишларнинг пировард якунини олдиндан кўра билиш ва прогноз қилишни талаб қиласди. Шундай экан, режалаштириш, прогноз қилиш бозор иқтисодиётида ҳам ўзининг моҳиятини сақлаб қолади ва муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган режа бўлиши ва шу муддатларда эришиш мумкин бўлган кўрсаткичларни прогноз қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўрта ва узоқ муддатли режалаштириш ижтимоий-иктисодий масалаларни бир-бири билан боғлаб бориш имконини беради, чунки ҳар қандай жамиятнинг асосий мақсади ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилади. Иқтисодий ривожланишга эришиш натижалари эса ижтимоий масалаларни ҳал қилинишига қаратилган бўлиши керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришда ўрта ва узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида прогнозлаш нафакат истиқболдаги қарорларни қабул қилиш, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш муаммolarини ҳал этиш йўлларини асослаш воситаси ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини прогнозлашга макроиктисодий ривожланишнинг таркибий қисми сифатида қараш лозим, чунки истиқболда мазкур секторнинг ривожланиши макроиктисодий жараёнлар, жамият иқтисодий салоҳияти ривожланишининг ҳолати ва истиқболлари билан белгиланади. Ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти макроиктисодий кўрсаткичларга таъсир кўрсатади.

Маълумки, ўтиш даври шароитида иқтисодиётнинг, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг истиқболдаги ривожланиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Бу эса мазкур сектор ривожланиши прогноз кўрсаткичларининг шартли бўлишига олиб келади. Шу сабабли прогнозлашни бир неча вариантларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳар бир вариант турли омилларни ўзида акс эттириши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик риволанишини прогноз қилишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланишни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, прогноз қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг умумий сони;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушки;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидаги улушки;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушки;
- ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони.

Эркинлаштириш жараёнларининг жорий этилишига қараб Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши икки хил вариантда прогноз қилиш мумкин: жорий тенденциялар сақланиб қолишини ҳисобга олган ҳолда ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун кулаг макро-иқтисодий шарт-шароитлар яратилишини кўзда тутган ҳолда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини прогноз қилишнинг биринчи усулида ўтмишда амал қилган тенденциянинг келажакда ҳам сақланиб қолиши кўзда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур усулда прогноз қилишнинг экстраполяция усулига асосланади.

Прогноз қилишда экстраполяция, усулини қўллаш қуйидаги шарт-шароитларни тақозо этади:

- ўрганилаётган ҳодисанинг ривожланиши умуман силлиқ эгри чизиқда акс эттирилади;
- ҳодиса ривожланишининг ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги умумий тенденцияси келажакда ҳам сезиларли даражада ўзгармайди.

Шу сабабли, прогноз қилиш натижаларининг аниқлиги ва ишончлилиги прогноз қилиш муддатига ва олдинги аниқланган тенденциянинг ҳақиқатга мос келишига боғлиқ бўлади. Экстраполяцияга охирги прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг бошланғич босқичи сифатида қараш лозим. Экстраполяциядан механик фойдаланиш хато хулосалар чиқаришга олиб келиши мумкин.

Прогноз қилишда муддат қанчалик узайтирилса, оддий экстраполяция усулининг камчилик жиҳатлари шунчалик кўпроқ намоён бўлади. Бундай ҳолатда иқтисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ўзгарувчанлиги уларнинг ривожланишидаги инерционликка зид кела бошлайди. Шу сабабли экстраполяция муддати қанчалик қисқа бўлса, прогноз қилиш натижалари шунчалик аниқ ва ишончли бўлади, чунки қисқа муддатларда ҳодисаларнинг ривожланиш шарт-шароитлари ва динамикаси характеристери кучли ўзгармайди.

Экстраполяцияни умумий кўринишда қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Y_{i+t} = f(Y_i, T, a_j)$$

бу ерда: Y_{i+t} – прогноз қилинаётган давр;

Y_i – прогноз қилинаётган қаторнинг жорий даражаси;

T – экстраполяция муддати;

a_j – тренд тенгламаси параметри.

Прогноз қилиш қандай тамойиллар ва бошланғич маълумотларга асосланиб амалга оширилишига қараб, экстраполяциянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ўртacha мутлак қўшимча ўсиш, ўртacha ўсиш суръати ва қаторларни бирор бир формула бўйича текислаш асосидаги экстраполяция.

Мазкур ишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини прогноз қилишнинг ўртача ўсиш суръати асосида амалга оширилади (3.2.1 - жадвал). Унинг умумий формуласи қуидагича кўринишга эга:

$$Y_{i+t} = Y_i * K_y^t$$

бу ерда: Y_i – динамика қаторининг охирги даражаси;

t – прогноз муддати;

K_y – ўсишнинг ўртача коэффиценти.

Экстраполяция усулида прогноз қилиш жорий иқтисодий сиёсатнинг ўзгармаслигини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик римвожланиши асосий кўрсаткичлари динамикасининг сақланиб қолишини кўзда тутади. Импорт ўрнини босиш сиёсатининг сақланиб қолиши айрим корхоналар учун рақобат курашида қулай шарт-шароитларнинг вужудга келишини таъминлади ва уларнинг монополлашувини кучайтиради. Рақобат курашида тенг бўлмаган шароитнинг вужудга келиши эса, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига (пахта ва дон) давлат буюртмасининг сақланиб қолиши ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатиш тармоқларида рақобат муҳитининг заифлиги дехқон ва фермер хўжаликларининг даромадларига акс таъсир кўрсатади ҳамда нархлар диспаритетини оширади.

Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг секинлик билан ўсишига олиб келади. Бундан ташқари жорий валюта сиёсати миллий маҳсулотлар рақобатбардошлиқ даражасига салбий таъсир кўрсатади. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг экспортдаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, прогнозлашнинг биринчи (экстраполяция) вариантида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши суст боради. Жумла-

3.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг 2017–2020 йилларга мўлжалланган истиқбол кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2016 й. | 2017 й. | | 2020 й. | |
|---|---------------|---------|-----------|------------|-----------|------------|
| | | | I вариант | II вариант | I вариант | II вариант |
| 1. КБ корхоналарининг умумий сони | мингта | 218,0 | 228,2 | 231,1 | 323,3 | 361,5 |
| 2. КБнинг ЯИМ улуши | % | 56,9 | 57,3 | 58,6 | 61,7 | 68,3 |
| 3. КБнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидаги улуши | мингта | 10179 | 10294,0 | 10313,2 | 11025,0 | 11216,8 |
| 4. КБнинг экспортдаги улуши | % | 26,5 | 27,5 | 28,5 | 44,6 | 49,7 |
| 5. Ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони | 16,7 | 17,6 | 18,5 | 21,7 | 23,3 | |

Ма н б а: Муаллиф ҳисоб-китоблари.

дан, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг умумий сони 1 фоизга, 2020 йилда 43 фоизга ўсади. Бунинг натижасида ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони 2017 йилда 17,6 тага, 2020 йилда 21,7 тага етади, холос.

Кичик корхоналар сонининг ўсиши унинг ялпи ички маҳсулот, иқтисодиётда банд бўлганлар, экспортдаги улушкининг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушки 2017 ва 2020 йилларда мувофиқ равишда 57,3 ва 61,7 фоизга, иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидаги улушки 10294,0 ва 11025,0 мингтага етади. Унинг экспортдаги улушки эса 2017 ва 2020 йилларда мувофиқ равишда 27,5 ва 44,6 фоизга ўсади.

Бир сўз билан айтганда экстраполяция усулида ҳисобланган ўрта ва қисқа муддатли прогноз кўрсаткичлари иқтисодий ислоҳотлар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлай олмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ривожланишини прогнозлашнинг иккинчи усули экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий усулларидан устун даражада фойдаланишни кўзда тутади. Бу, энг аввало, давлат буюртмасининг бекор қилинишида, нархларнинг тўлиқ эркинлаштирилишида, корхоналарни тент шароитлар билан таъминлаш орқали рақобат муҳити яхшиланишида, ички хўжалик муносабатларида бозор тамойилларининг жорий этилишида ўз аксини топади.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун давлат молиявий сектор ва банкларни ислоҳ қилиш, тўловсизлик танглигини бартараф этиш, маркетинг тизимига давлатнинг аралашувини бекор қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш, умумий солиқ юки ва солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чикиши лозим.

Жорий иқтисодий сиёsatда туб ўзгаришларни амалга оширишнинг асосини иқтисодиётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ташкил этади. Ўзак тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидан экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш иқтисодиётда эркин рақобат учун қулай муҳит яратади. Бунинг натижасида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг фаолият соҳаси кенгаяди.

Қишлоқ хўжалигида давлат буюртмасини бекор қилиниши дехқон ва фермер хўжаликлари даромадларини оширади. Уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектлари орасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва ривожланиши маҳсулотлар нархлари ва рақобатбардошлиқ даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиёт қарор топиши натижасида ишлаб чиқарувчилар жаҳон бозорининг қаттиқ талабларига дуч келадилар ва бу ҳолат уларни маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб боришга ундейди. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши анча фаоллашади. Бунинг

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

натижасида ишлаб чиқаришга фан-техника натижаларини кенг жорий этиш, янги техника ва илғор технологиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.

Давлатнинг экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаши натижасида умуман экспорт ҳажми ва унда кичик корхоналарнинг улуши ортади. Экспорт ҳажмининг ошиши эса кичик корхоналарга замонавий ускуна ва технологиялар импорт қилиш имконини кенгайтиради. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган кичик корхоналар сони ортади. Қишлоқда кичик технологияларнинг ривожланиши, бир томондан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлган ортиқча иш кучларини бўшатиш имконини берса, иккинчи томондан, уларни бошқа соҳалар, хусусан, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ўтказиш имконини беради. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш таркиби такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

3.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, прогнозлашнинг II вариантида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари юқори суръатларда ривожланади. Чунончи, 2016 йилда кичик бизнес субъектлари сони 218,0 мингтадан 2017 йилда 13,1 мингтага ошиб, 231,1 мингтани ташкил этади, 2020 йилда эса 2016 йилга нисбатан 143,5 мингтага кўпайиб, 361,5 мингтага етади. Кичик корхоналар сонининг бундай юқори суръатларда ўсиши ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сонининг ҳам ошишига олиб келади.

Айни вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг сифат кўрсаткичлари яхшиланади. Иккинчи вариантда ҳисобланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилда 58,6 фоизни ташкил этади ва 2020 йилда эса 68,3 фоизга етади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бандлик муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади. Чунончи,

2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида банд бўлганлар иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонининг 10313,3 мингтани, 2020 йилда 11216,8 мингтани ташкил этади.

Кулай макроиктисодий муҳитнинг шаклланиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташки иқтисодий фолиятдаги иштироки кенгаяди ва унинг экспортдаги салмоғи 2017 йилда 28,5 фоизни, 2019 йилда эса 49,7 фоизни ташкил этади.

Шундай қилиб, иккинчи вариантда ҳисобланган прогноз кўрсаткичлари иқтисодий ислоҳотлар олдига қуйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга имкон беради.

Фикримизча, иккинчи вариантда келтирилган прогноз кўрсаткичларига эришиш учун қуидаги муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратиш лозим:

– иқтисодиётда, айниқса, қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиши учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хуқуқий асосини такомиллаштириш, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги, аҳоли даромадларини шакллантириш, бандлик муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё, айниқса, кредит ресурсларидан ва маҳсулотни сотиш бозорларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, янги иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдамни кўпайтириш, уларга микрокредитлар беришнинг яхлит тизимини яратиш;

– қишлоқ жойларида хусусий мулкчилик шаклларини ривожлантиришга, дехқонлар таффаккурида эгалик ҳиссини тарбиялашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, мерос қилиб қолдириш хуқуқидаги мулкчилик муносабатларини жойларда жорий этиш, шартнома муносабатларининг аниқ ва тушунарли механизмини амалда шакллантириш, шартнома муносабатларининг қатъий бажарилиши устидан назорат ва масъулиятни кучайтириш;

– молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чукурлаштириш, банкларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлари ҳамда

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

кредит бериш имкониятларини, ўз капиталини ва уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш;

– кичик корхоналарга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектларини устувор тарзда ривожлантириш, улар ўртасидаги рақобат мухитини яхшилаш, замонавий илғор технологияларни жорий этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мукаммал технологик жараёнларни устувор ривожлантириш;

– кичик корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш, хорижий сармоядорлар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш имкониятини бериш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан кредит олишда гаров тизимини такомиллаштириш ва ҳ.к.

3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми ва рағбатлантириш йўллари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг устувор йўналишлари қуйидаги муҳим ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо этади:

– кенг аҳоли қатламларида бозор муносабатлари руҳияти ва кўйикмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, кишиларда мавжуд бокимандалик ва истеъмолчилик кайфиятларига барҳам бериш;

– қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва реструктуризация жараёнлари натижасида аграр ишлаб чиқаришдан озод бўлган ишчи кучларини иш билан таъминлаш учун қишлоқ жойларида янги иш ўринларини барпо этиш;

– қишлоқ жойларда бозор муносабатлари ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш, рақобат мухитини барпо этиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш;

– банк, аудиторлик, маслаҳат, воситачилик, ахборот ва бошқа хизмат кўрсатиш турларининг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш;

– экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни барпо этиш учун қулай макроиқтисодий муҳит яратиш ва ҳоказо.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиши талаб этади.

Мазкур механизм 4 та бўлимдан иборат бўлиб, I бўлим макродараражада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

У, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришни кўзда тутади. Гарчи республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўплаб имтиёзлар тақдим этилган бўлса-да, бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солинадиган солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш максадга мувофиқ. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, кичик корхоналардан давлат бюджетига тушадиган тушумлар катта микдорни ташкил этмайди. Бу корхоналар бюджет даромадларининг муҳим манбаси бўла олмайди. Уларнинг асосий вазифаси янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодиётга инновация олиб киришдан иборат. Шу муносабат билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка солиқ юкини камайтириш ишсизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларининг пасайишига олиб келади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурати ҳам пасаяди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича макродараражада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлардан яна бири кичик бизнес ва банк муассасалари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ. Иқтисодиётни янада либераллаштириш даражасига қараб банк соҳасида банк ва кичик бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг яхшиланишига олиб келадиган янги ўзгаришлар юз бериши, хусусан, тадбиркорлар нафақат ўз ҳисоб-варағига

эга бўлган, балки ҳар қандай банкка кредит учун мурожаат этиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Банкларга кредит ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш ҳукуқини бериш, уларнинг комиссиян мукофотлари микдорига чекловларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, банкларнинг мавжуд сегментациясини бартараф этиш, уларни кўпроқ универсал банкларга алмаштириш ва молия бозорида соғлом рақобат мухитини вужудга келтириш лозим.

Тижорат банкларини уларга хос бўлмаган вазифа – мижозларнинг пул маблағларидан қандай фойдаланаётганларини назорат қилиш вазифасидан соқит қилиш зарур.

Яна бир муҳим масала хорижий кредит тармоқларини ўзлаштириш билан боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай кредит тармоқларини ўзлаштириш секинлик билан амалга оширилмоқда. Кўп ҳолларда бу хорижий кредитлар билан ишлашнинг мақсадга мувофиқ йўлга кўйилмаётганлиги билан боғлиқ. Чунончи, хорижий молиявий ташкилотлар томонидан кредит тармоқлари очишга розилик берилгандан бошлаб токи маблағларнинг биринчи танловига қадар кўп вақт ўтиб кетмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, асосан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар хорижий кредит тармоқлари бўйича кредит олиш имкониятига эга бўлмоқдалар, чунки банк кредитни хорижий валютада тўлашдан манфаатдор. Шу муносабат билан янги иш бошловчи тадбиркорлар деярли кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар.

Кўплаб тадбиркорлар кредит олиш учун лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича етарли билим ва тажрибага эга эмас. Улар томонидан таклиф қилинаётган бизнес-режалар етарли даражада асосланмаган.

Юкоридагиларни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорларни қисқа муддатли ўқитиш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор хорижий кредит тармоқларини ўзлаштириш учун лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш, тадбиркорлар-

нинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида ҳам имтиёзлар тизимини такомиллаштириш зарур. Бунда, энг аввало, ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришни соддалаштириш алоҳида ўринга эга. Консигнацион шартнома бўйича келиб тушадиган товарлар учун уларнинг тўлиқ қиймати миқдоридаги маблағларини маҳсус ҳисоб варагида сақлаб туриш амалиётига барҳам бериш лозим. Унинг ўрнига импорт шартномаларни суғурталаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бундан нафакат тадбиркорлар, балки истеъмолчилар ҳам манфаатдор бўладилар, чунки у импорт товарлари нархларининг пасайишига олиб келади.

Давлат солиқлар ва божхона тўловлари бўйича кичик бизнес учун ўрнатилган имтиёзларга қаттиқ амал қилишни таъминлаши зарур. Солиқлар факат ички бозорда сотилган товарлар қийматидан тўланиши лозим.

Товар-хомашё биржалари орқали эркин алмашинадиган валютага сотиладиган товарлар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулотларини ташқи бозорга экспорт қилишга уларни ахборот билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш ижобий таъсир кўрсатади. Фикримизча, кичик корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш учун кичик корхоналар экспортини қўллаб-кувватлаш марказини ташкил этиш зарур. Бу марказ ўзининг худудий бўлинмаларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Мазкур марказнинг асосий вазифаси кичик корхоналарга экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, халқаро бозорлар учун рисола ва маълумотномалар чиқаришдан иборат бўлиши лозим. Шунингдек, ушбу марказга кичик корхоналар учун маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, потенциал ҳамкорлар ва бозорлар тўғрисида

маълумотлар тўплаш вазифасини ҳам юклаш мумкин.

Биз таклиф этаётган механизмнинг II бўлимни микродаражадаги чора-тадбирларни қамраб олади ва корхоналарнинг ўзаро алоқалари ва ички имкониятларидан самарали фойдаланишни кўзда тутади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кичик бизнес барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан бири франчайзинг муносабатларини йўлга қўйиш билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиш хусусиятларидан бири шундаки, унда қатор кўчалар ва ҳатто туманлар муайян ҳунармандчилик соҳаси (темирчилик, пичоқчилик, нонвойчилик ва ҳоказо) билан шуғулланганлар ва уларнинг фаолияти маҳалла оқсоқоллари томонидан мувофиқлаштирилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистонда йирик ва кичик корхоналарнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини маҳалла қўмиталари иштирокида йўлга қўйиш мумкин.

«Корхона – маҳалла» ўзаро ҳамкорлигининг моҳияти шундан иборатки, бир ёки бир нечта қўшни маҳаллалардаги кичик корхоналар бирор-бир йирик корхона билан узоқ муддатли хўжалик алоқаларини йўлга қўядилар. Бундай ҳамкорлик ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлар эди. Мазкур турдаги ҳамкорликнинг (франчайзингнинг) ижобий жиҳатларига олдинги параграфда батафсил тўхталиб ўтилган.

Кичик корхоналар томонидан ўз уйида меҳнат қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларни пояфзал, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳам бугунги кунда юқори самара беради. Бундай кооперация шакли бугунги кунда муайян даражада ривожланмоқда, аммо улар тўғрисида статистика юритилмаётганлиги боис бундай кооперацияларнинг кўлами тўғрисида фикр юритиш қийин.

Кичик корхоналарнинг ривожланишига мазкур корхоналарнинг ўзаро кооперацион алоқаларини йўлга қўйиш ҳам ижобий

таъсир кўрсатади. Бунда, энг аввало, қуидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, бундай кооперацион алоқаларда аввалдан фолият юритаётган кичик корхоналар бирлашадилар. Улар учун эса алоҳида корхона ҳажмини кенгайтиргандан кўра бошқа кичик корхона билан кооперация алоқаларини йўлга қуиши қулайроқ, чунки битта корхона доирасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш қўшимча инвестицияларни талаб қиласди. Бошқа инвесторлар ёки пайчиларни жалб этиш эса низом капиталидаги улушларининг қайта тақсимланишига ва шунга мувофиқ равишда корхона устидан назоратнинг йўқотилишига олиб келади.

Бундан ташқари, корхона ҳажмининг кенгайиши ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув таркибидаги ўзгаришлар билан бирга боради, яъни уларга бўлган харажатлар ҳам ошади. Бир корхона доирасида товарлар турини қўпайтириш эса маҳсулотнинг сифати пасайишига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, иккиламчи ижара ва мол етказиб берувчилар устидан назорат самарадорлиги ошади, маркетинг хизматлари сифати яхшиланади. Шунингдек, кўлами жиҳатдан йирикроқ муаммоларни биргаликда ҳал этиш имконияти юзага келади.

Фикримизча, турли ҳажмдаги корхоналар ўртасидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш учун қуидаги чоратадбирларни амалга ошириш зарур:

- маҳаллалар худудида жойлашган иншоотлар ва бошқа моддий ресурсларни маҳалла қўмиталари тасарруфига бериш;

- йирик корхоналарни реструктурациялаш доирасида уларнинг таркибидан таркибий бўлинмаларни ажратиб олиш ва уларни хусусий тадбиркорларга сотиш ёки тақдим этишни кўзда тутиш;

- кичик корхоналарнинг ўзаро ва йирик корхоналар билан ҳамкорлигининг турли хил шаклларини ташкил этиш бўйича услугий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

- давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш, аг-

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛANIШИ

рокимёвий хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперативларга бирлаштириш йўли билан деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳамкорлигини ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш;

– оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, маҳсус уюштирилган семинарларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ўзаро ва йирик корхоналар билан ҳамкорлигининг ижобий жиҳатлари ва афзалликларини ташвиқот қилиш ва ҳ.к.

Таклиф этилаётган механизмнинг III бўлими худудий дараҷадаги чора-тадбирларни ўз ичига олади. Таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият идоралари муҳим аҳамият касб этади.

Минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жадал ривожланишини таъминлашда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар тизимини такомиллаштириш ва бунда асосий эътиборни бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган тўлов қисмини камайтиришга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари йўл ва нафақа фондига тўланадиган пулни муомаладаги пулдан эмас, балки даромаддан тўлашга ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамиз минтақаларида маҳаллий ҳокимият томонидан нуфузли муассасалар, турли спорт ва маданий тадбирларни ўтказиш учун тадбиркорлардан ҳомийлик бадали сифатида мажбурий тўловларни ундириш ҳолатлари кенг тарқалган. Бу эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан мажбурий тўловларни ундиришга барҳам бериш тадбиркорлар фаолияти яхшиланишига олиб келади.

Кичик тадбиркорлик ривожланишининг худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш маҳаллий ҳокимият идораларининг бевосита вазифаси бўлиши лозим. Бу дастурларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб

берилиши билан бирга кичик бизнес субъектларига жорий этилган имтиёзлар тизими батафсил ёритиб берилиши зарур.

Одатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатадилар. Шу сабабли чегара савдоси салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш, қўшни мамлакатлар ўртасидаги божхона тўсиқларини олиб ташлашга эришиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, чегара ҳудудларида минтақалараро, давлатлараро ташқи иқтисодий тузилмалар (бизнес-марказлар) ташкил этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бундай тузилмалар барпо этишнинг мақсадга мувофиқлиги тегишли давлатлараро битимларда ўз аксини топиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига маҳсус имтиёзлар жорий этилган эркин иқтисодий зоналар барпо этиш ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Бюджетдан ташқари фонdlар ва уюшмалар даражасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар таклиф этилаётган механизмнинг IV бўлимини ташкил этиб, унда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси марказий ўринни эгаллади.

Республика Савдо-саноат палатасининг асосий вазифаси кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларини амалда рўёбга чиқариш ишларини ташкил этиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ифодалашдан иборат.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши кўп жиҳатдан ушбу палатанинг фаолиятига боғлиқ. Шу муносабат билан мазкур ташкилотнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги мониторингини ташкил этиш бўйича, дастлабки ҳисобга олиш ва ҳисботини юритиш, молия ресурсларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни жалб

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

қилиш имкониятлари, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларни касб-хунарга ўргатиш билан боғлиқ масалаларда ёрдам кўрсатиш бўйича ишларини фаоллаштириш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди, шунингдек, бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тижорат банклари орқали эмас, балки мустақил кредитлашлари, фикримизча, мақсадга мувофиқ. Бу жараёнга мазкур ташкилотлар субсидия тақдим қилувчи эмас, балки кредит муассасалари сифатида қатнашиши лозим. Кичик корхоналарга кредитлар бўйича имтиёзли ставкалар тақдим этиш амалётидан воз кечиш зарур. Бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни гаров талаб қилишдан воз кечиш ёки маслаҳат ёрдамини кўрсатиш билан қўллаб-қувватлаш мумкин.

Мазкур ташкилотларнинг маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник ёрдам кўрсатиш, инфратузилма обьектларини ривожлантиришга кўмаклашиш, олинадиган кредитлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш соҳасидаги ишларини фаоллаштириш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш механизmlарини умумлаштириш натижаларига кўра, улар аввало, тадбиркорлар учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган. Бу механизmlар, айниқса, иқтисодиётни янада либераллаштириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ташкил этиш шароитида муҳим ўрин тутади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чукурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда. Мазкур устувор вазифани ҳал

этишнинг энг асосий омили эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришдир.

Шу сабабли ҳам Президентимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қўшма мажлиси йиғилишидаги нутқида: «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки ҳалқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади».

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципial жиҳатдан фоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман»¹, – деб таъкидладилар.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора-тадбирларини изчилилк билан амалга ошириш Ҳаракатлар стратегиясида муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиб ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаоли-

¹ Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ятини тартибга солувчи маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш каби жиҳатларни назарда тутувчи давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар Дастурини қайд этиш ўринлиdir. Мазкур дастур тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларини текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашибни олдини олиш, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштириш, молиявий ҳамда солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтириш, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш, инвестициявий жозибадорлигини ва республиканинг халқаро рейтингини ошириш соҳаларида комплекс чора-тадбирлар мажмууни амалга оширишни назарда тутади.

Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналиши сифатида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат мулки обьектларини сотиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва бу жараённи жадаллаштириш, уларни хусусийлаштиришда бюрократик тўсикларни бартараф этиш, хусусий мулк қилиб сотилган обьектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрса-

тишни ташкил этиш мақсадида давлат мулки бўлган ностратегик объектларни, шу жумладан давлат кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тартиби белгиланди. Бунда сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига йўналтирилиши белгиланганлиги маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга замин яратади.

Шунингдек, янги иш ўринлари яратиш имконини берган асосий фондларни модернизациялаштирган ва мукаммал таъмирдан чиқарган давлат мулки обьектининг ижарасига уни хусусийлаштиришда ижарага олинган обьектни биринчи навбатда сотиб олиш учун устунликка эга бўлиши, танлов ва кимошди савдосининг бирдан бир қатнашчисидан савдо шартларига тўлиқ мос келадиган таклиф тушганида давлат мулки обьектини харид қилиш-сотиш тўғрисидаги шартномани тузишга рухсат берилиши, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб давлат мулки объектларини баҳолаш активлар қийматига таъсир қилувчи бозорнинг жорий конъюнктурасини ва обьектив омиллар йиғиндисини хисобга олувчи янгилangan миллий стандартлар асосида амалга оширилиши, сотилаётган давлат кўчмас мулк обьектлари ва давлат улушлари бўйича харид тўловларини тўлаш муддати давлат мулкини хорижий инвесторларга сотища Ҳукумат ёки Тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссиясининг қарорларида бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, 3 йилгacha муддатни ташкил этиши мумкинлиги белгиланди.

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида яна бир муҳим йўналиш бу солик маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш белгиланган. Бунда солик қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, солиққа тортиш базасини базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган соликлар


ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ва мажбурий тўловларни унификациялаш каби вазифаларни амалга ошириш. Шунингдек, солиқ юкини, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ микдорини узоқ ва бориш қийин бўлган жойларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиши, йирик корхоналарга бўлган солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобига изчил пасайтириш белгиланган.

Солиққа тортиш ва солиқ юкини пасайтириш, хусусан, солиқ имтиёзлари ҳақида гап кетганда, солиқлар тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш ёхуд солиқларни камроқ микдорда тўлаш имконияти назарда тутилади. Айни пайтда улар учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 163 та қарорида ва Солиқ кодексининг 25 та моддасида бир қатор солиқ имтиёзлари назарда тутилган. 186 турдаги рухсат бериш тартиботлари ва лицензиялар, 65 та статистик ва 6 та солиқ ҳисоботи шакллари бекор қилинди. Солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш тизими, шунингдек, божхонада хужжатларни расмийлаштириш жараёнлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.

Мамлакатимиз солиққа тортиш мезони бўйича ўз мавқенини 2 поғонага юкорилатган, 117-ўриндан 115-ўринга кўтарилса-да, умумий ҳолат яхши эмас.

Бироқ, шуни ҳам қайд этиш керакки, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда солиқ юки даражаси АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Италия, Испания, Гречия, Япония,



3.3.1-расм. Солиқ юкининг пасайиш динамикаси (ЯИМ нисбатан %да).¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузиленган.

Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларга нисбатан анча паст.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иктисодий ривожланиш босқичида туризм бизнеси иқтисодиётнинг динамик ривожланувчи ва нисбатан фойдали тармоқларидан бирига айланмоқда. Шу боисдан, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида туризм индустрясини жадал ривожлантириш иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини яхшилаш йўналиш сифатида алоҳида ўрин олган.

Ўзбекистонда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида МДҲ мамлакатлари орасида илк бор туризм корхоналари учун солиқ имтиёзлари ва қулайликлар тақдим этилди, туризм фаолияти билан шуғулланишга лицензиялар бериш тизими эркинлаштирилди ва соддалаштирилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш борасида ҳам кўплаб амалий чоралар кўрилди. Хусусан, «Навоий» ЭИИЗ, «Жиззах» ва «Ангрен» МИЗлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев иқтисодий зоналар фаолиятига танқидий баҳо бериб, қўйидагиларни таъкидладилар: «эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш охиригача аниқ ҳаракатлар билан мустаҳкамланмади. Исбот тариқасида «Навоий» эркин иқтисодий зonasи бўйича маълумотларни келтираман. Ўтган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиха амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Ўтган йили эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган»¹.

¹ Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йил ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. www.aza.uz

Шундан келиб чишиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида эркин иқтисодий зоналар, янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият юритаётгандарининг самарадорлигини ошириш мақсадида кичик саноат зоналари иштирокчиларининг зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ҳолатини танқидий ўрганган ҳолда тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашуви, худуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ даврини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш, инвестициявий лойиҳаларини амалга ошириш ва иштирокчиларга юклатилган мажбуриятларнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш, кичик саноат зоналари худудида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банклари иштирокини кенгайтириш каби вазифалар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ««Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4931-сонли фармони қабул қилиниб, ташки бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чукур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун кулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсад қилиб олинган.

Меҳнат бозорига янги кириб келаётган ўрта маҳсус, касбхунар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органдарида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар ҳамда ишга

жойлашишга эхтиёжманд бўлган аҳоли бошқа қатламларининг микромолиялаш хизматларидан фойдаланишини кенгайтириш, шунингдек, янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлайдиган оиласиий, хусусий тадбиркорликни ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2017 йилдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизими ни янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор орқали тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлашнинг янги схемаси жорий этилди.

Янги тизимга мувофиқ қуидагилар микрокредитлаш учун қамраб олинадиган шахслар орасида устувор контингентлар ҳисобланиши белгиланди:

- ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битиувчилари;
- муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар;
- меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар;
- оиласиий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эхтиёжманд бўлган бошқа шахслар.

Имтиёзли микрокредитлашнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

- кичик тадбиркорлик, энг аввало оиласиий ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш;
- имтиёзли кредитлар бериш орқали юкорида қайд этилган шахслар контингентлари учун уларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш мақсадида микромолиявий хизматлардан осон фойдаланишларини максимал даражада таъминлаш;
- аҳолининг кам таъминланган ва ҳожатманд қатламлари даромадларини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини кучайтириш.

Имтиёзли микрокредитлар қуйидаги шартларда берилади:

- микрокредит суммаси – энг кам иш ҳаки миқдорининг 200 баробаригача;
- асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда уч йилгача муддатга;
- йиллик фоиз ставкаси миқдорлари: битта иш жойи яратилганда – 9 фоиз, иккита иш жойи – 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш жойлари – 7 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда – 6 фоиз миқдорда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асоссиз аралашувини олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг хукуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари хукуқларининг устуворлиги таомонилини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги ПФ-5037-сонли Фармони қабул килинди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти таъсис этилди.

Тадбиркорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- давлат органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;
- тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни хуқуқий қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрлари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;
- қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самародорлигини баҳолаш;
- тадбиркорлик субъектларининг хуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Тадбиркорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини мустаҳкил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади.

Тадбиркорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентига тизимли равишда давлат органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида бизнес юритиш шарт-шароитларини янада эркинлаштириш жадаллашади, давлат органларининг хусусий бизнесга ноконуний аралашуви ҳолатларига тўлиқ барҳам берилади, бу йўлдаги барча тўсиқлар ва асоссиз чеклашлар бартараф этилади, очик биржа ва ярмарка савдолари орқали кичик бизнеснинг моддий ва хомашё ресурсларидан, кредит ва молиявий механизмлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгаяди.

Х У Л О С А

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни янада либераллаштириш ва иқтисодиётда давлатнинг улушини қисқартириш сиёсатини олиб бориш биринчи навбатда, хусусий мулкка асосланган институтларни мустаҳкамлаш ва мулк эгаси ҳукуқини ҳимоя қилишга йўналтирилди. Солик юкининг камайтирилиши хусусий инвестицияларини рағбатлантиридиги ва иқтисодий ўсишнинг юкори суръатлари учун барқарор манба яратди.

Иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий йўналишларини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хуласаларга келиш ва таклифлар ишлаб чиқиши имкониятини берди:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши муаммосини тадқиқ қилишда унинг миқдор ва сифат мезонларини аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар мақомини белгилаб берувчи миқдорий мезонлар сифатида корхонада банд бўлган ишчилар сони, товар айланмаси, активлар, капитал ва фойда миқдори каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. МДҲ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда кичик корхоналарнинг миқдорий мезони сифатида ягона кўрсаткич – корхонада банд бўлган ишчилар сонидан фойдаланилади.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аниқлашда иккита мезон – корхонада банд бўлган ишчилар сони ва корхонанинг йиллик товар айланмасидан, сифат мезонлари тариқасида эса корхона эгасининг меҳнат ва корхонани бошқаришга муносабати ҳамда ишловчилар билан алоқаси даражасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда туцган ўрни унинг қуидаги хусусиятлари билан белгиланади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади;
- йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилиш асосида уларга хос бўлган техник консерватизимни бартараф этишга кўмаклашади;
- бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиришда, тармоқ ва худудий монополизмга барҳам беришда, рақобат муҳитининг вужудга келиши ва кенгайишида фаол иштирок этади;
- нисбатан кам сарф-харажатлар эвазига янги иш ўринларини яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради;
- моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни самарадорлик даражаси юқори бўлган соҳаларга йўналтиришга, иқтисодиётнинг турли соҳалари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини кўшади;
- ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари – аёллар, ногиронлар, пенсионерлар меҳнатидан кенг фойдаланилади ва ҳ.к.

Кичик бизнес қуидаги афзалликларга эга:

- кичик ишлаб чиқариш бозор талаби ўзгаришларига тезда мослашади. Йирик корхоналарда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ёки янги технологияни жорий этиш йирик сарф-харажатларни талаб этади ва бу жараёнда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва даромадларнинг камайиши юз беради. Кичик корхоналар эса ўз ишлаб чиқаришларини осонлик билан, йирик сарф-харажатларсиз янги маҳсулот томон буришлари мумкин;
- кичик бизнес кишиларда ишбилармонлик, ижодкорлик, ташаббускорлик қобилияtlари ривожланишига олиб ке-

- лади, ҳар бир кишига ўз қобилиятларини намоён қилиш, ғояларини ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Йирик корхоналарда эса «тенглик» тамойили амал қиласи. Кўп ҳолларда ташаббускор кишилар йирик корхоналарда ишлар экан ўз ташаббуслари ва ҳаракатларига муносиб жавоб топа олмайдилар;
- кенг тармоқли кичик корхоналар тизимининг ривожланиши маҳаллий ресурслардан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Йирик корхоналарнинг бундай фаолиятдан оладиган фойдаси кам бўлганлиги туфайли бунга алоҳида эътибор қаратмайдилар;
 - кичик корхоналарда талабнома харажатлар ва бошқарув аппаратига сарфланадиган харажатлар йирик корхоналарга нисбатан анча кам;
 - кичик бизнесни капитал сифими йирик корхоналарга нисбатан анча паст ва ўзини-ўзи қоплаш муддати анча тез;
 - кичик тадбиркорликнинг ривожланиши меҳнатни интенсивлаштириш учун қулай шароит барпо этади, унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасидаги бевосита боғлиқлик яққол кўриниб туради ва ҳоказо.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, уларда кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаслик;
- текшириш ва ҳисботнинг соддалаштирилган таркиби;
- мулкчилик ҳуқуқи кафолатлари;
- жадаллаштирилган амортизация;

- имтиёзли кредитлаш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни имтиёзли суғурталаш;
- солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзлар;
- ахборот хизмати кўрсатиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг амалий аҳамиятини ошириш ва такомиллаштириш учун қуидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уларнинг бир-бирига зид келишига йўл қўймаслик;
- қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш мақсадида тадбиркорларда хуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча аъзолари томонидан қонунга риоя қилишни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлар манфаатлари ва ҳуқукларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият эркинликларини амалда кенгайтириш учун суд органлари ва уюшмалар, иттифоқлар каби жамоат ташкилотларининг мавқеини ошириш;
- кичик тадбиркорликсубъектлари фаолиятига ўринсиз аралашишлар ва текширишлар сонини кескин камайтириш мақсадида уларни юридик жиҳатдан ҳимоя этиш тизимини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш натижалари қуидаги тенденцияларни ажрабиб кўрсатиш имконини беради:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2012 йилда 54,6 фоиз, 2013 йил якуни бўйича 55,8 фоизни, 2016 йилда 56,9 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 10179,0 минг нафари ёки 78,2 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги, бу соҳага эътиборни янада кучайтиришини, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишини кўпайтиришини ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг минтақавий муаммоларини ҳал этиш қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг тармоқ ва худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иқтисодий жиҳатдан қолоқ қишлоқ аҳоли пунктларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ ва бошқа имтиёзларни жорий этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажаришга жалб этиш, турли пудрат ишларига иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни ички ва ташқи бозорларда сотишга ёрдам бериш;
- тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, тадбиркорлик шаклларини таснифлашнинг меъзонларини қайта кўриб чиқиш ҳамда миллий иқтисодиётга «ўрта бизнес» тоифасини қайта киритиш, унга мос бўлган меъёрий-хукукий базани такомиллаштириш;
- бозор инфратузилмаси ривожланмаган худудларда йирик шаҳарларда фаолият юритувчи бозор инфратузилмаси субъектларининг филиалларини ташкил этишни рағбатлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишловчиларни ўқитиш учун бизнес-мактаблар, касбий маҳорат мактаблари тармоғини кенгайтириш;

– кичик корхоналарнинг хомашё, асбоб-ускуна, технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳоказо.

Тадқиқотда иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши нинг истиқбол кўрсаткичлари қуидаги кўрсаткичлар асосида аниқланган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг умумий сони;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидаги улуши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши;
- ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони.

Прогноз қилиш икки хил усуlda амалга оширилган: экстраполяция усулида ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қулай макроиктисодий шарт-шароитлар яратилишини кўзда тутган ҳолда.

Экстраполяция усулида амалга оширилган прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, агар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида жорий тенденциялар сақланиб қолса, у ҳолда мазкур секторнинг ривожланиши суст боради. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 ва 2020 йилларда мувофиқ равишда 57,3 ва 61,7 фоизга, иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидаги улуши 10294,0 ва 11025,9 мингтага етади. Унинг экспортдаги улуши эса 2017 ва 2020 йилларда мувофиқ равишда 27,5 ва 44,6 фоизга ўсади.

Экстраполяция усулида ҳисобланган прогноз кўрсаткичларининг иқтисодий ислоҳотлар олдига қўйилган талабларга жавоб бермаслиги уни иккинчи вариантда, яъни кичик бизнес ва

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

хусусий тадбиркорлик корхоналари учун қулай мақроиктисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлашни тақозо этади.

Мазкур усулда прогноз қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари юқори суръатларда ривожланади. Жумладан, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда кичик бизнес сони 231,1 мингтага, 2020 йилда 361,5 мингтага кўпаяди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилда 58,6 фоизни, 2020 йилда эса 68,3 фоизга етади. 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида банд бўлганлар иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонининг 10313,3 мингтани, 2020 йилда 11216,8 мингтани ташкил этади, кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки кенгаяди ва унинг экспортдаги салмоғи 2017 йилда 28,5 фоизни, 2020 йилда эса 49,7 фоизни ташкил этади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2014. 76- б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 1999 йил 14 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 25–45-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.:«Ўзбекистон», 2002. 46–72-бетлар.

5. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонуни – Т.: «Адолат», 2005. 107-114-б.
6. Ўзбекистон Республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни. 2012 йил 23 март.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 ноябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-кувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси хужжатлар тўплами, 2016 й., 12-сон, 110-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 декабрдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-кувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3367-сонли фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3202-сонли фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ва уларнинг ноқонуний талаб этилиши учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 100-сонли қарори.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июнданги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожланириш асосида-ги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланириш учун қулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сонли фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсикларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинли-гини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1604-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилар-монллик мухитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш», уларни жадал ривожланириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли фармони. 2015 йил 15 май.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ««Ургут», «Fиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4931-сонли фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги ПФ-5037-сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожланириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 166–176-бетлар.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ҳисобот беришини кискартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 177–179-бетлар.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бошқа субъектларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 180–182-бетлар.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 201–205-бетлар.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёzlари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 233–242- бетлар.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Евropa тикланиш ва тарракиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 243–245- бетлар.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун рўйхатга олиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 357-сонли қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўргасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли фармонини амалга ошириш хақида»ги 4-сонли қарори.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг
асарлари ва маърузалари**

30. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: «Ўзбекистон», 2017.

31. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, ҳалқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб хаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъruzаси. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.

32. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. –Т.: «Ўзбекистон», 2016.

33. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан қурамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2016.

34. Мирзиёев Ш. М. Илм фан ютуклари – тараққиётнинг муҳим омили // «Ҳалқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

35. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995, 269-б.

36. Каримов И.А. Иқтисодиётни янада либераллаштириш ва чукурлаштириш – Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 285-б.

37. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

38. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 56-б.

39. Каримов И.А. Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

40. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2010.

41. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш // «Ҳалқ сўзи», 19.01.2013 й.

42. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // Ҳалқ сўзи, 2016 йил 16 январь, №11(6446)

V. Китоблар ва монографиялар

43. Акрамов Э.А., Таиров Э.А. Экономические реформы Республики Узбекистан. – М.: ТОО «Люкс-арт», 1998.
44. Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: «Ўқитувчи», 2000, 368-с.
45. Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 1998, 268-б.
46. Чжен В., Мирзаахмедов Э. Рыночная инфраструктура Узбекистана. – Т.: «ИРИЦ», 1995. 74 с.
47. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: «ТЕИС», 2010. 231-с.
48. Беркинов Б.Б., Жўрабоев И., Кулабов М. ва бошқ. Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1999.
49. Чжен В. Хусусийлаштириш асослари. – Т.: «Иқтисод ва хукуқ» наширёт уйи, 1998 й.
50. Чжен В. Система поддержки предпринимательства в Узбекистане. – Т.: 1995.
51. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. – 340 с.
52. Беркинов Б.Б., Айнакулов М.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперацияси. – Жиззах: Жиззах политехника институти, 2004. – 110 б.
53. Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1999. – 103 с.
54. Государственная поддержка малого и среднего предпринимательства в Узбекистане, – ПСИ РУз, 1998. – 92 с.
55. Исажанов А.А. Государственная поддержка малого бизнеса в Узбекистане //ЭКО, 2002. – №12. – С. 145-152.
56. Карапетов А. Развитие бизнес-инкубаторов в Узбекистане. – Т.: «Фан», 2002.
57. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва прогнозлаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010. – 348 б.

VI. Илмий мақолалар ва брошуоралар

58. Ходиев Б.Ю. Эркин бозор ва тадбиркорлик. – Т.: «Фан ва турмуш», 2000, № 2. 31-бет.
59. Ходиев Б.Ю. Стратегия развития малого бизнеса. – Т.: «Деловой партнер Узбекистана», 2000, №18. с. 5.
60. Эшов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги асосий ўзгаришлар // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси, 2002. №5–6. 12–15-б.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

61. Эшов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шакланиши ва ривожланиш босқичлари // «Бозор, пул ва кредит», 2002. №5. 24–22-б.
62. Эшов М. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. «Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги», 2002. №3. 8–7-б.
63. Эшов М. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий асослари // Иқтисодиёт ва таълим, 2002. №2. 22-б.
64. Юсупова Н. Малые предприятия на рынке Узбекистан. // Рынок, деньги и кредит, 2005, № 9. С. 45–46.
65. Беркинов Б.Б. Тадбиркорлик ривожи янги босқичда. Biznes-Daily Эконом. газета. № 79. (1946) 7.07.2015 й.
66. Джираева С.К., Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане // Материалы доладов VI-Международной научно-практической конференции «Проблемы анализа и моделирования региональных социально экономических процессов». Казанский Федеральный университет. 7-8 апрель 2016 г. – С. 83–86.
67. Беркинов Б.Б., Неделькина Н.И., Мулкчилик шакллари ривожланишининг институционал-хуқуқий жиҳатлари // «Иқтисодиёт тармоклари ривожланишини таъминлашнинг фан, таълим ва энергия, технологиялар, техника воситалари: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар» Республика илмий- техник анжуман материаллари (I-кисм). Жиззах 15-16 апрель 2016 й. 343–346-бетлар, 0,25 б.т.

VII. Диссертациялар ва авторефератлар

68. Чепель С. Проблемы макроэкономического регулирования и прогнозирования в условиях перехода к рынку. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. – Т., 1996.
69. Расулов А. Экспортная ориентация национальной экономики в условиях рыночной трансформации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. – Т., 1997.
70. Трушин Э. Экспортоориентированное развитие экономики и условиях перехода к рынку. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. – Т., 1999.
71. Худойбердиев З. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёкатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири. Иқтисод фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 1997.
72. Юлдашев Ш. Иностранные инвестиции как фактор роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Т., 2001.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

73. Хакбердиев К. Макроэкономические аспекты формирования и развития рыночной инфраструктуры Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т., 2000.

74. Ходиев Б.Ю. Эконометрическое моделирование развития предпринимательства в экономике Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Т., 2000г.

75. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2010.

76. Темиров А.А. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнесс субъектлари фаолиятида молиявий менежментни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2010.-148 б.

77. Асатов Ж.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиктисодий баркарорлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсирини баҳолаш ва прогнозлаш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2015.-80 б.

VIII. Статистик тўпламлар

78. Doing Business. Оценка бизнес регулирования. <http://russian.doing-business.org/>

79. Республика Узбекистан: за годы независимости (1991–1996 гг.). – Т. 1997 г.

80. Современный экономический словарь. – М.: «Инфра-М», 1997. стр.404.

81. Отчет о мировом развитии. Инфраструктура и развитие. Всемирный банк. – Вашингтон, 1994.

82. Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишининг 1997-2014 йилдаги асосий кўрсаткичлари. – Т. 2014.

83. «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳ. – Т.: 2017.

84. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2014-2017 йиллар.

85. Йиллик статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013-2017 йиллар.

86. Ўзбекистон саноати. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013-2017 йиллар.

87. www.press-service.uz

90. www.mineconomy.uz

88. www.uz.a.uz

91. www.stat.uz

89. www.gov.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҼТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОВ МАНСУР ПЎЛАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ:
ОМИЛЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

(Монография)

Toishkent 2017

Мухаррир *Д.М. Мирҳидоятова*

Мусаввир *С.Шуҳрат*

Мусахҳих *С.Расулова*

Компьютерда тайёрловчи: *Ш.Соҳибов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босишга 5.11.2017 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ «Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи $4,65 + 0,23$ вкл. Нашр табоғи $2,75 + 0,21$ вкл.
Буюртма № 17-85. Адади 1000 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 24-17.